



# XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

11 (117)-сон, 2006 йил 16 март

www.21asr.com

**2** Депутатлик гуруҳлари фаолияти жонланаяпти

**4** O'zLiDeP «Ташаббус-2006» да ғолиб

**13** Ҳиндустон миллиардерлари олдинги сафда

ТАШРИФ АРАФАСИДА

## Россия делегацияси Ўзбекистонда

Шу кунларда Россия Федерацияси Федерал мажлиси, Давлат думасининг МДХ ишлари бўйича қўмитаси, Нижегород вилоятлари вакиллари бор. Улар Фарғона водийсидаги учрашувларда юртимиз вилоятлари билан савдо-сотиқни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, саноат, тиббиёт каби қатор соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

— Ўзбекистон ва Россия азалдан бир-бири билан қалин дўст, қардош мамлакатлар, — деди делегация раҳбари А.Кокосин. — Давлатларимизнинг ўзаро муносабатларини иттифоқчилик даражасига кўтаргани ҳамда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлгани гоёт муҳим қадам бўлди. Биз меҳнатсеварлиги ва меҳмондўстлиги билан машҳур ўзбек халқи билан доимо яқин, дўстона муносабат қуриб келганмиз.

Ўзбекистонда бугун барча соҳаларда улкан ўзгаришлар юз бераётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, саҳий тупроғиниғизда етиштирилган сархил мавалар Россияда жуда харидордир. Фарғона водийси, айниқса саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаларида катта салоҳиятга эга экан. Бу борада Россия билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди, деб ўйлайман. Масалан, бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар барпо этиш мумкин. Улканғизда бундан буён россиялик сармоядорлар иштирокида тузилган корхоналар кўпаяверишига ишончим комил.



“ALKIM - TEXTIL” корхонасининг иш бошлаганига эндигина икки йил бўлганига қарамай, мамлакат энгил саноатининг етакчи корхоналаридан бирига айланди. 300 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада тайёрланаётган болалар трикотаж маҳсулотлари ички бозордан ташқари Германия, Австралия, Туркия сингари давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу юртта асосида ишлаётган ушбу корхонанинг яқин йилларда товар айланмасини 5-6 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилмоқда.

(ЎЗА)

## Қардошлар учрашуви

19 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев навбатдаги президент сайловидан кейин илк давлат таширфи билан Ўзбекистонга келади

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар хусусида сўз борганида умумий томирлари теран халқларимизнинг маданияти, тили ва маънавий бирлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим, албатта. Шу жиҳатдан олганда, Қозоғистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга амалга оширадиган давлат таширфи ана шу муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Давлатларимиз раҳбарларининг олий даражадаги мулоқоти доимий йўлга қўйилган. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, МДХ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги учрашувлар ва ўзаро таширфлар чоғида минтақавий ҳамда халқаро миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан ўтказилаётган суҳбатлар бунинг ёрқин далилидир.

Муҳими - икки қардош давлат яқин ҳамкорлик ва интеграцияни ривожлантиришга қаратилган бир-бирининг тақдир ва ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Юрбошқимиз Ислам Каримовнинг Марказий Осиё давлатлари умумий бозорини яратиш ҳақидаги ташаббусини ёқлади. Зеро, глобаллашувнинг янги даъватлари ягона минтақавий бозор ташкил этиш бўйича қўшма жавоб чоралари қуришни талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидламоқ кераки, Қозоғистон ҳам ўзининг ташқи сиёсатида қардош Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларни ривожлантиришни устувор йўналиш деб билади. Нурсултон Назарбоев қайта президент лавозимига сайланганидан кейин илк хорижий давлат таширфини Ўзбекистондан бошлаши бунинг яққол исботидир.

Хар икки мамлакат муносабатларини тартибга солиб турувчи бош ҳужжат 1998 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида имзоланган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома ҳисобланади. Мазкур аҳднома қўтилмаганда давлат chegaralarининг икки томонида қолиб кетган қардош халқларнинг ороумидларига жавоб берадиган ҳужжат бўлди. Ўзбек ва қозоқ халқларининг асрлар мобайнида қарор топган дўстона муносабатларини йирик империя парчалангач, уша ҳолда сақлаб қолиш осон кечгани йўқ, албатта. Ҳуқуматлар ҳар томоннинг мавқеи ва манфаатларини ақинлаштириш, қонунчиликдаги тафовутларни бартараф этиш йўлида жуда катта ишларни амалга оширдилар.

Давоми 2-саҳифада.

## ННТ: ёшлар фаоллигини ошириш — давр тақозоси

Бугунги кунда мамлакатимизда беш мингдан зиёд нодавлат-нотижорат ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар республикамизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик кадрларни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишни ўз олдларига асосий мақсад қилиб қўйганлар.

### Баҳодир ОСТАНАКУЛОВ

Яқинда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида бўлиб ўтган давра суҳ-

батда ана шу вазибаларга атрофлича тўхталиб ўтилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Фуқаролик

жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Нодавлат-нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда Тошкент шаҳри

ва вилоятда фаолият юритаётган нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг вакиллари, O'zLiDeP "Ёшлар қаноти" фаоллари, олим ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Давра суҳбатда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг ёшлар масалалари бўйича лойиҳаси раҳбари Ойбек Жумаев ва Ўзбекистон Нодавлат-нотижорат ташкилотлар миллий

ассоциацияси масъул ходими Рифат Сартбоев фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, мазкур соҳага доир қонунчиликни такомиллаштириш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш, шу асосда эркин, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш ва бунинг учун, энг аввало, ННТларнинг мавқеини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкид-

лашди. Шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ёшларга эътиборни кучайтириш, уларга кенг йўл очиб бериш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари атрофича қўриб чиқилди. Давра суҳбати ташкилотчилари баҳс-мунозаралар жараёнида иштирокчиларнинг кўплаб саволларига батафсил жавоб қайтаришди.

## Кўргазма орқали танишув

23 - 25 май кунлари Тошкентдаги «Экспо-марказ»-да Эрон Ислам Республикасининг учинчи иқтисодлашган савдо-саноат кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтади. Унда Эроннинг юздан зиёд компанияси ишлаб чиқарган автомобиль эҳтиёт қисмлари, қурилиш материаллари, тиббий ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бирламчи зарурий воситалар намойиш этилади. Кўргазма учта йўналишдан иборат бўлиб, уни ўтказишдан мақсад қайси маҳсулотлар экспортроп эканлиги, саноатнинг ўрта ҳамда кичик соҳаларига технологиялар ажратиш ва ҳамкорликда сармоя киритиш имкониятларини ўрганишдир.

### Узоқ ва яқин хорижда

#### Франция

## Талабаларнинг янги қонундан норозилик намойиши



Этиштиди. 9 нафар талаба хибсага олинди. Тўқнашувлар пайтида 9 та полициячи шика-станди.

Шу кунни галаёнлар бутун Францияга ёйилди. Liberation газетаси маълумотларига қараганда, акцияларда мамлакат университетларининг учдан икки қисми қатнашган. Биргина Рэнне шаҳрида (Фарбий Франция) кўчаларга 3 мингдан ортик, Руанда эса 2 мингга яқин талаба чиқди. 45 та университетни талабалар қисман ёки бутунлай қамал қилиб олдилар.

4 мингдан зиёд киши шаҳарнинг жанубий ҳудудига колонна-колонна бўлиб Сорбонна томон йўл олди. Ҳуқуматга қарши шорлар ва чакириқлар эшитилиб турди, қонунни беқор қилиш талаби ўртага қўйилди.

#### Фаластин

## Тугалланмай қолган ташриф



Мамлакат етакчиси Махмуд Аббос Исроил харбийлари ҳужум қилиб Иерихондаги қамқохонани қўлга олганларидан кейин ўзининг Европага ташрифини ярим йўлда тўхтатди. Чунки бу воқеадан кейин Фаластин мухториятида тартибсизликлар бошланиб кетган эди.

Исроилликлар турмани эгаллаш натижа-сида бир нечта кишини, шу жумладан, Фаластин озодлиги халқ fronti раҳбари Ахмад Саодатни ҳам хибсага олдилар. Уни 2001 йили Исроил вазирининг ўлдирилишига дахлдорликка айблашмоқда.

Аббос Исроил харбийлари қамқохонани эгаллаб олганликларини қаттиқ қоралади. Бундан ташқари, у ушбу турмани қўриқлаётган, аммо ўтган ҳафтада хавфсизликни кўзлаб, уни ташлаб кетган халқаро кузатувчиларни танқид қилди.

Европага ташриф уюштиришдан Аббоснинг кўзлаган мақсади Фаластин мухторияти учун молиявий ёрдам тўғрисидаги келишувга эришиш эди.

#### Италия

## Эфирдаги сиёсий «дуэл»



Бош вазир Сильвио Берлускони ва апрель ойида бўлиб ўтадиган сайловлардаги унинг рақибни Романо Проди бевосита эфирда телевизон дебат

ўтказдилар. Америка услубида ташкил этилаётган теледебат икки босқичдан иборат бўлади. Иккинчиси овоз бериш арафасида 9 ва 10 апрель кунлари ўтказилади. Берлускони ва Проди 1996 йилдаги сайловлардан кейин телеэкранда биринчи мартаба юзма-юз бўлдилар. Уша сайловларда Продининг сўл марказчилар коалицияси галаба қозongan эди.

Теледебатда сиёсий рақиблар хали ўз йўлини танлашга улгурмаган сайловчиларни оғдиртиш имкониятига эга бўлдилар. «Коррьер дела сера» газетаси ёзишича, бундай сайловчилар 24 фоизга яқинроқдир.

Жамоат фикрини ўрганиш натижаларига кўра, Берлускониинг ўнг марказчилар коалицияси рейтинг бўйича ўз рақибидан орқада қолмоқда.

Advertisement for XASR newspaper, including contact information and a table of exchange rates.


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 14 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунинг-дек, бошқоқ ва бошқа мажбурий тўловлар учун ҳарбий валю-таларнинг сўма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:	1 Австралия доллари 883,56	1 Миср фунти 210,55	1 Польша злотийси 369,32	10 Жанубий Корея воени 12,26
	1 Англия фунт стерлинги 2081,24	1 Исландия кронаси 17,14	1 СДР 1727,46	10 Япония иенаси 101,38
	1 Дания кронаси 193,09	1 Канада доллари 1039,68	1 Туркия лираси 897,21	1 Россия рубли 43,02
	1 БАА дирҳами 328,21	1 Хитой юани 149,76	1 Швейцария франки 916,17	1 Украина гривнаси 238,69
	1 АҚШ доллари 1205,40	1 Малайзия ринггити 324,25	1 ЕВРО 1439,85	

## Қардошлар учрашуви

Абдували  
СОЙИБНАЗАРОВ,  
Кахрамон КҮЛДОШЕВ,  
Примкул  
ДУСТМАМАТОВ

«Қозоқ ва ўзбек халқлари тарихнинг барча давларида елкадош бўлган, ҳамнафас қадам ташлаган, турмушининг бор қувончи ва ғамини бирга баҳам кўрган».

Ислом КАРИМОВ



Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

Жумладан, ўтган йиллар мобайнида фақат иқтисодий соҳада 50 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Гуманитар ва илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик доирасида эса 9 та ҳужжат қабул қилинди. Бошқа соҳалар ҳам бундан мустасно эмас. Масалан, транспорт алоқалари бўйича 8 та, солиқ қонунчилиги ва ҳуқуқий муносабатлар соҳасида 10 та битим ва келишувларга эришилди.

Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ўзаро ҳамкорлик соҳасидаги яна бир муҳим масала — наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш саналади. Хусусан, наркотиклар устидан назорат ўрнатилган юзасидан минтақавий ҳамкорликка бағишлаб Тошкентда ўтказилган учрашувда Қозоғистон ташқи ишлар вазирлиги Қосимжумарт Тўқаев минтақа давлатларининг мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди. Ана шу йиғинда Меморандумга Афғонистоннинг ҳам қўшилиши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Негаки, айнан ушбу давлат ҳудудидан минтақамизга ва ундан кейин Европага ҳаётанон наркотиклар контрабандасининг катта қисми олиб ўтилади.

Тан олиш керакки, мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари иқтисодий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар, бозор муносабатларига ўтилиши ҳўжалик ва кооперация алоқаларининг заифлашуви, қолаверса, ўзаро товар айланмасининг кайиби кетишига олиб келди. Мазкур ҳолатни бартараф этиш учун 1998-2005 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг иқтисодий ҳамкорлиги соҳасида яна бир муҳим йўналиш — ўзаро манфаатли асосдаги саноат алоқаларини ривожлантиришга, экспорт ва импортлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналар тузиш имкониятидан аввалига етарлича фойдаланилмайди. Бирок, энди у вақтлар ўтиб кетди. Бугунги кунда икки мамлакатнинг ўзаро манфаатли муносабатларини тараққий эттириш учун қулай шароит юзага келди.

Шуниси эътиборга сазоворки, ҳар икки мамлакатнинг ишбилармон доираларида савдо соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма корхоналар тузиш орқали иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга интилиш борлиги муҳим аҳамият

## Елкадош ва ҳамнафас

Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи арафасида Сирдарё вилояти қозоқ миллий-маданий марказида бўлиб, бир пиёла чой атрофида дўстона гурунғ қилдик.

Аристанбек АКМАМБЕТОВ, Сирдарё вилоят қозоқ миллий маданий-маркази раиси:

— Икки қондош ва жондош юрт халқлари Президентларимиз Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбаевнинг ҳар бир учрашувини доимо орақиб, зўр ҳаяжон ва иштиёқ билан кутишди. Чунки биз Туркистон диврида азалдан униб-ўсиб келаётган оға-ини халқимиз. Тилимиз ҳам, дилимиз-у динимиз ҳам бир. Турли замон ва даврлар синовида ўтган дўстлик ришталари эса мустақиллик йилларида янада мустаҳкамланди. Сирдарё бўйида бундан 1000 йил бурун яшаб ўтган бобомиз Абу Наср ал-Фаробий айтганидек «Инсон боласи танҳо ўзи бошқаларнинг кўмагисиз баркамолликка эриша олмайди, чунки у доим атрофдагилар ёрдамига муҳтож бўлади». Улуғ аллома пурҳикмат ўғитининг нақадар ҳаётийлигини бугунги долғали замонимиз ҳам исботлаб турибди.

Жўлдос АСАБОВЕВ, Гулистон давлат университети қозоқ тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори:

— Кенг жамоатчилик Сирдарёда яшаётган қозоқларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаёти. Масалан, миллатимиз вакиллари зич яшайдиган Сайхонбод туманидаги Қодиркул Султонов номли ҳўжалик мактабиде салкам 350 нафар қозоқ болалари таълим олади. Синфлар ёруғ ва қулай, замонавий жиҳозланган, дарсликлар билан тўлиқ таъминланган.

Бошқа жойларда ҳам эътибор бундан кам эмас. Гулистон шаҳридаги 1 та, Сирдарё туманидаги 2 та мактабда қозоқ синфлари очилган. Вилоят миқёсида жами 17 та мактабда қозоқ фарзандлари ўз она тилида ўқитиляпти. Университетимизни ҳар йили 60 нафар йиғит-қиз қозоқ тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича битириб чиқаяпти.

Қалдирғоч ИМАШЕВА, Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилояти кутубхонаси бўлим мудири:

— Гулистон давлат санъат билим юртини битириб, меҳнат фаолиятини оддий кутубхоначиликдан бошлаганман. Бу ерда ҳеч ким мени қозоқ кизи, деб ажратмайди. Мен ҳам Ўзбекистонни ўз ватаним, деб биламан.

Қозоғистон ҳудудида ўзбеклар неча асрлардан буйн яшаб келаётган бўлсалар, Ўзбекистонда ҳам қозоқлар эмин-эркин истиқомат қилаётилар. Халқларимиз орасидаги бу қардошлик ва аҳилликни бениҳоя қадрлайман ва ардоқлайман.

Журсинтой КЕНЖАЕВ, «Сирдарё электр тармоқлари» корхонасининг таъминотчи муҳандиси:

— Қўрдинги, ош — кўтарма бош, деган ўзбек иборасини биринчи марта Мирзачўлни ўзлаштиришда соҳасидаги хизматлари учун юксак мартабага эришганлар. Ўзбекистон заминиде дунёга келиб, шундай юксак мартаба сохиблари бўлган Комил Маханов, Қинабек Укубов, Мирзачўл отахони деб ном таратган Мирзачўл ота Умбетов, Алдабек Мейербековлар мен дамлаган ўзбек паловидан баҳраманд бўлганлар билан фахрланаман.

Сапах ЖОНБЎТАЕВ, Сирдарё вилояти ҳокимлиги молия бошқармасининг бўлим бошлиғи:

— Аждодларимиз бир дарёдан сув ичиб улғайганлар. Ҳозир ҳам бу азим дарё икки қўшни халқни оби-ҳаёт билан таъминлаб турибди. Сирдарё бўйларида ўзбегу қозоқнинг тўйлари бўлиб ўтапти. Бирорта киши бизларни ўзбек ёки қозоққа ажратмайди, ҳаммамиз битишиб-чатишиб кетганмиз. Асрлар ўтди, тузумлар ўзгарди, бирок қозоқ билан ўзбекнинг дўстлиги барқарор бўлиб қолаверди.

Ўзбекистонда Қозоғистон санъати ва маданияти кунларининг тантанали очилишида Ислом оға шундай деган эдилар: «Қозоқ ва ўзбек халқлари тарихнинг барча давларида елкадош бўлган, ҳамнафас қадам ташлаган, турмушининг бор қувончи ва ғамини бирга баҳам кўрган».

Шундай экан, худди қадимидек куйларни бирга куйлаб, тўйларни бирга тўйлайдиган, ошларни бирга ошайдиган кунларимиз муборак бўлсин. Икки биродар халқ раҳбарлари учрашуви бу гал ҳам қардошлиқнинг янги истиқболларини очишига ишонаман.

касб этмоқда. Жумладан, кейинги пайтларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажмининг кескин ўсиши кузатишмоқда. Масалан, 2002 йилда бу кўрсаткич 263,3 млн. долларни, 2003 йилда 295,4 млн. (12 фоиз ўсиш), 2004 йилда 425,8 млн. (ўсиш 44 фоиз), 2005 йилда эса 497 млн. (ўсиш 15,8 фоиз) долларни ташкил этди. Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий айланмасида Қозоғистон тўртинчи ўрини эгаллаб турибди. Бу республика товар айланмасининг 5,3 фоизи демакдир. Юртимизда Қозоғистон билан ҳамкорликда ташкил этилган 48 та қўшма корхона, 24 та фирма ва компанияларнинг ваколатхоналари очилган. Улар енгил саноат, транспорт, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалигининг муҳим соҳаларида муваффақиятли фаолият юритмоқдалар. Қозоғистонда эса Ўзбекистон сармояси иштирокида 106 та қўшма корхона ишлаб турибди. Қозоқ биродарларимиз инвестиция, пул-кредит, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт соҳаларида, илмий-техник ҳамкорлик ва чегарабўйида савдосини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Қўшни республика ўзининг жанубий ҳудудларини табиий газ билан таъминлаш учун мамлакатимиздан ҳар йили 1,5 млрд. куб. метр «зангори олов» олапти.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Марказий Осиёнинг етакчи ва улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлатлари эканлиги назарда тутилса, бу кўрсаткичлар етарли эмаслиги, мавжуд имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилмаётгани аён бўлади. Шу боис, ўзаро савдо ҳажминини янада ошириш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида икки мамлакат президентлари томонидан ҳукуматлар зиммасига савдо-сотиқни ривожлантириш ва бу йўлдаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш борасида зарур чора-тадбирлар кўриш вазифаси юкланган.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатларимиз, шунингдек, инновацион соҳаларда, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги учун биотехнологияларни ривожлантириш, тиббий дориворларни тайёрлаш, машинасозлик, металлургия, кимё ва нефть саноати, нефтни қайта ишлаш ва нефть газ тармоқларида ҳамкорликни йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ. Қолаверса, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида ҳар икки мамлакатнинг товар ва хизмат бозорларини кузатиб боришга мўлжалланган қўшма

информацион тизим ташкил этилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Самарали ҳамкорлик борасида икки мамлакат транспортчилари ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар. Пекинда бўлиб ўтган Хитой темир йўллари вазирлиги ва «Қозоғистон темир йўли» ёпиқ акциядорлик жамияти миллий компанияси вакилларининг музокараларида томонлар қисқа муддатларда Хитой — Қозоғистон — Ўзбекистон йўналиши бўйича темир йўл контейнер юкларини ташкиллаштиришга келишиб олдилар. Мазкур йўналиш бўйича мамлакатимиз ҳар йили Қозоғистон ҳудуди орқали 450 минг тонна пахта толасини экспорт қилиш имкониятига эга бўлади.

Бир пайтлар Европа интеграциясида «мотор» вазифасини ўтаган Германия ҳамда Франция каби Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳам Марказий Осиё барқарорлиги, тинчлиги, иқтисодий тараққийини таъминлашда катта салоҳият ва имкониятларга эга эканлигини бугунги кунда экспертлар ҳам таъкидламоқдалар.

Яна бир гап. Ўзбекистон ва Қозоғистон президентларининг 19-20 март кунларида мўлжалланган навбатдаги учрашуви муҳим сиёсий тадбирдан кейин бўлиб ўтди. Қозоғистонда барча демократик нормаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилган президент сайловида амалдаги давлат раҳбари Нурсултон Назарбаев яна юксак ишонч қозониб, сайловчиларнинг 90 фоиздан кўпроқ овозини олди. Бу эса Назарбаев бошчилигида амалга оширилган катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохотлар самарасининг Қозоғистон халқи томонидан эътироф этилганини ифодасидир.

Кузатувчилар Марказий Осиёнинг икки етакчи давлати президентлари учрашуви якунида муҳим қарорлар қабул қилинишини таъкидламоқдалар. Чунки Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлигининг ривожини, албатта, бутун минтақадаги жараёнларга ҳам таъсир кўрсатишини ёддан чиқармаслик керак. Хулоса қилиб айтганда, икки томонлама ўзбек-қозоқ муносабатларининг ҳозирги босқичи «Ўзоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши», деган нақлни эсга солади.

Мамлакатларимиз дунёнинг муҳим стратегик минтақасида бир-бирига яқин қўшничиликда яшаб, муҳими — халқаро террорчилик, ноқонуний муҳожирлик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўришларига қарши кураш йўлида самарали ҳамкорлик қилмоқда.



**СУРХОНДАРЁ.** Партиянинг Шўрчи туман кенгаши ташаббуси билан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида «Ёшлар билимли юрт қудратли бўлур» мавзуида тадбир ўтказилди. Унда ёшларни сиёсий куч сифатида бирлаштириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, йиғит ва қизлар ақл-заковатини, куч-ғайратини, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш ҳақида сўз юритилди. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар кенг муҳокама қилинди. Мазкур тадбирда Шўрчи тиббиёт коллежининг 150 дан зиёд талабаси иштирок этди.

**ЖИЗЗАХ.** Партия вилоят кенгаши ташаббуси билан фаол ёшлар вакиллари, тадбиркорлар, фермерлар ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

О'зЛиДеР вилоят кенгаши раиси ўринбосари И.Маматқулов Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, аҳоли даромадларини ошириб бориш ва касаначиликни ривожлантириш борасида партия фаоллари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида фикр юритди. Вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлимининг 2005 йилдаги фаолияти таҳлил қилиниб, танқидий нуқтаи назардан баҳоланди. Бўлим томонидан олиб борилаётган амалий ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда жамиятда кечаётган сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, вилоятда иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, улар олдида турган муаммоларни бартараф этиш ҳамда ҳуқуқий эркинликларини таъминлаш, депутатлик гуруҳларининг фаоллиги ва масъулиятини кучайтириш масалаларига алоҳида ургу берилди.

Тадбир сўнггида вилоятдаги иқтидорли ёшлар томонидан тайёрланган ҳўнармандчилик ва амалий санъат намуналари кўргазмаси намойиш қилинди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Жўқорғи Кенгеснинг мажлислар залида давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари учун мўлжалланган доимий амалий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. «Қишлоқда бозор ислохотлари ва иқтисодий ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга оид партиявий дастурларини амалга ошириш соҳасида депутатлик гуруҳларининг иштироки» мавзуидаги ушбу семинарда 150 нафар партия фаоллари, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари раислари ва раис ўринбосарлари иштирок этдилар.

Тадбирни О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси К.Абдижалиев олиб борди. Унда Олий Мажлисининг Қўнчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси П. Реймов, Қорақалпоғистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси А. Тлеумуратов, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Қосназаров ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси раиси ўринбосари Х.Қабуллов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда амалга оширилаётган ишларда депутатлик гуруҳларининг роли, улар олдида турган вазифалар ҳақида ўз фикр ва таклифларини билдиридилар.

Шунингдек, семинар машғулотида қишлоқ жойларида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга оид маърузалар тинланди, бу борадаги Фармон ва қарорларнинг жойлардаги ижроси самарадорлигини ошириш юзасидаги чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**НАМАНҒАН.** Янгилик яратишга чанқоқ, эл-юрт равнақи, Ватан манфаати йўлида фидойи, замон руҳини теран англайдиган, тадбиркор ва малакали ёш мутахассисларни сиёсий куч сифатида бирлаштириш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, интеллектуал салоҳиятларини тўлиқ намоён этишлари ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига шароит яратиб бериш мақсадида партиянинг Учқўрғон ва Янгиқўрғон туман кенгашлари ташаббуси билан агро саноат ва агроиқтисодий коллежларида «Партиянинг ёшларга оид сиёсати ва унинг амалга ошириш механизмлари» мавзуида давра суҳбатлари ташкил қилинди. Мазкур тадбирларда партия «Ёшлар қаноти» фаоллари, ёшлар ташкилотлари вакиллари ва талабалар иштирок эттиди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган шарт-шароит ҳақида гапирар эканлар, мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида рўй бераётган туб ислохотлар ва ўзгаришларга, қолаверса, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фаол муносабатда бўлиш уларнинг муҳим фуқаролик бурчи эканлигини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН

# Ер ўз эгасини топмоқда

Олтинсойда тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизда 1686 та фермер хўжалиги ташкил этилади. Шундан 123 таси пахтачилик ва ғаллачиликка, 3 таси сабзавотчилик, 9 таси чорвачилик, 1550 таси мева ҳамда узумчиликка ихтисослашади. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун эса 7 та агрофирма ташкил этиш режалаштирилган

Юртбошимизнинг шу йил 10 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 11 январдаги қарори мазкур тармоқни ривожлантириш, ҳосил сифати ва самарадорлигини ошириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Айна кунларда республикамиздаги мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкат хўжаликлари негизда фермер хўжаликлари ташкил этиш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар амалга ошириляпти.

## ■ Холмўмин МАМАТРАИМОВ

Сурхондарё вилоятининг мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган Олтинсой туманида ҳам Фармон ижросини таъминлашга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Бу йил туманда 11 та хўжалик тугатилиб, фермер хўжаликлари айлантдириляпти.

— Фармон ва қарор ижросини таъминлаш мақсадида хўжаликка дастлаб пайчиларнинг умумий йиғилиши ўтказилди, — дейди Бобур номли ширкат хўжалигини фермер хўжаликлари айлантдириш мақсус комиссияси раиси, туман ҳокимининг ўринбосари Туроб Эшманов. — Мол-мулкни хатловдан ўтказувчи мақсус гуруҳлар далолатномасига асосан, халқ таълими бўлимига 1 млн. 134 минг 430, соғлиқни сақлаш бўлимига 7 млн. 36 минг, туман газлаштириш бўлимига 25 млн., туман электр тармоқлари корхонасига 45 млн. 400 минг, маҳаллий ҳокимият органларига 55 млн. 800 минг сўмлик асосий воситалар балансдан балансга ўтказиб берилди.

Бобур номли ширкат хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган энг йирик хўжаликлардан биридир. Хўжалик ҳудудида 12695 на-

фар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1690 нафари ширкат хўжалигининг пайчиларидир. Хўжалик аъзолари 1106 гектар майдонда узум, 73 гектар майдонда турли хил мева етиштиришади. Шунингдек, 200 гектар майдонга ғалла, 146 гектар майдонга чигит экиб, деҳқончилик қилишади. Ана шу мевалик боғ ва тоқзорларни ёпиқ аукцион савдоларида, пахта ва ғалла майдонларини тендер йўли билан ўз эгаларига топшириш мақсадида 394 та лойиҳа тайёрланиб, пайчилар ва ширкат хўжалиги аъзоларига етказилди. Шундан 351 таси тоқзорлар, 22 таси боғдорчилик учун тайёрланган лойиҳалардир. Қолганлари эса ғалла ва пахта майдонлари бўйича тендер танловларига тайёрланган. Мевалик боғ ва тоқзорлар бўйича лойиҳаларга кирган майдонлар - бир гектардан беш гектаргача.

— Лойиҳаларни тайёрлашда боғларнинг сув билан таъминланиши, контур яхлитлиги ва бошқа шароитлари ҳисобга олинди, — дея суҳбатни давом эттиради Туроб Эшманов. — Баҳолашда эса боғ ва тоқзорларнинг туп сонлари ҳамда навлари алоҳида эътиборга олинди. Масалан, "Тоифа" навли

узумнинг бир гектари ўртача 750 минг сўмдан, "Сурхон" навли узумнинг бир гектари эса 320-330 минг сўмдан баҳоланди. Аукцион ва тендерда иштирок этиш истагини билдирган кишилардан аризалар қабул қилиниб, 10 фоиз гаров пули олинди. Шу кунгача боғ ва тоқзорларга 35 дан ортиқ, пахта ва ғалла майдонлари учун 15 дан зиёд ариза қабул қилинди. Олинаётган гаров пулларида келгусида биринчи навбатда деҳқонларнинг иш

фермер хўжаликлари ҳамда агрофирмалар учун катта имтиёзлар берилган. Жумладан, боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи, агрофирмалар эса 3 йил муддатга даромад солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари қўшилган қиймат солиғи ҳамда ягона солиқ тўловларидан озод этилади. Солиқдан тушган маблағлар эса мақсадли тартибда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни

Бобур номли ширкат хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган энг йирик хўжаликлардан биридир. Хўжалик ҳудудида 12695 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1690 нафари ширкат хўжалигининг пайчиларидир. Хўжалик аъзолари 1106 гектар майдонда узум, 73 гектар майдонда турли хил мева етиштиришади. Шунингдек, 200 гектар майдонга ғалла, 146 гектар майдонга чигит экиб, деҳқончилик қилишади.

ҳақлари тўлаб берилди. Сўнгра пай улушлари тақсимланади.

— Шу ўринда бир нарсани айтиш керакки, фармон қабул қилинган, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Музафар Қаршиев, — жойларда дастлаб таригот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Тумандаги "Сайрак", "Олтинсой", "Қўшчинон" сингари ширкат хўжаликларида бу ишга, аynиқса яхши ҳозирлик кўрилмоқда.

— Фармонга асосан фермер хўжаликларимизга хизмат кўрсатиш, уларнинг қайта ишловчи корхоналар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, етиштирилган маҳсулотни сотишга кўмаклашиш мақсадида агрофирмалар ташкил этилади, — дейди туман ҳокими Рустам Ҳўлаев. — Биласизми, фармонда боғдорчилик ва узумчилик

ривожлантириш, боғ ва тоқзорлар барпо этиш, уларни кенгайтиришга йўналтирилиши белгиланган. Шунингдек, туманимизда бир йилда 5 минг тонна мева, узум ва сабзавотни қуритиш қувватига эга бўлган "EAST WEST SURXON" қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, тугатилаётган ширкат хўжаликлари ҳудудида

**ТАХРИРИЯТДАН:** ушбу мақола саҳифаланаётганда вилоятдаги мухбиримиз кўнгироқ қилиб, Олтинсой туманидаги 11 та боғдорчилик ва узумчилик ширкат хўжалиги негизда фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича ёпиқ аукцион савдоларининг биринчи босқичи бўлиб ўтганини хабар қилди. Унинг иккинчи босқичи эса Наврўз байрамингача бўлиб ўтади. Шундай қилиб, баҳорнинг ilk ойидан Олтинсойда боғ ва тоқзорлар ўзининг ҳақиқий соҳибларини топиб, 1 минг 500 дан ортиқ боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган янги фермер хўжалиги ташкил этилади.

# Баҳор келди бизни сўроқлаб

519 мингдан зиёд бухоролик қатнашган умумхалқ ҳашарида 2317 гектарга тенг майдон, хиёбонлар тозаланиб, 611 та зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди

Бухоро вилоятида наврўзолди умумхалқ ҳашари зўр уюшқоқлик руҳида ўтди. Унда етти ёшдан етмиш ёш — барча завқ-шавқ, аҳиллик ва байрамона кайфиятда қатнашди. Боғбонлар ўзлари хусусийлаштириб олган боғлари, йўл ва ариқлар ёқаларидаги дарахтларга шакл-шамойил бердилар, ёшлар улар бошчилигида ғайрат ила янги мевали ва манзарали дарахт гул кўчатлари ўтқаздилар. Айрим ҳашарчилар иштиёқ билан озодалик ишларини бажарсалар, баъзилар сув йўллари тозалаш, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, ногирон ва яққа-ёлғизларнинг турар жойларини таъмирлаш каби савоб юмушлар билан банд бўлдилар...

## ■ Бобомурод ЭШМУРОДОВ

Шофирконда шу кунги тушиқда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига алоҳида иззат-икром кўрсатилди. "Нуроний" жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан уларга тўқтин дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Тадбирда туман ҳокими, O'zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Идибой Жўраев сўзга чиқиб, азалий анъаналар изчил давом эттирилаётганини таъкидлади. Туманимизда жорий йилда 40 минг тонна пахта,

жами (деҳқон хўжаликлари ва томорқачилар ҳиссаси қўшилган ҳолда) 50 минг тонна ғалла етиштирилиши, 280 тонна пилла тайёрланиши режалаштирилган. Бугун ҳашар туфайли бошланган хайрли ишлар ана шу катта бунёдкорликларга узвий боғланиб кетиши мукаррар...

16 минг меҳнат фахрийси ва 200 нафардан кўпроқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси номидан сўзга чиққан Тура бобо Жўраев, Усмон бобо Кенжаев ва Очилбой ота Мўминов Наврўз хосиятлари, тинч-осойишта ҳаёт қадри,



ҳалол меҳнат ва юрт шаън-шавкати учун кураш шарофати ҳақида сўзладилар. Бухорои Шарифнинг етти пиринди бири - Хўжа Ориф ар-Ревгарий (Моҳитабон) зиёратгоҳ-мачити имом хатиби Миржон Эгамбердиев Куръон тиловат қилиб, ўтганларнинг азиз хотирасини ёдга олди. Тадбир иштирокчилари Аллоҳдан мустақил Ватанимизга тинчлик-барқарорлик, Юртбошимиз ва юртдошларимизга узок умр, সিҳат-саломатлик, бахт-саодат, деҳқонларимиз касби-корига хайр-бароқа тилаб, дуога қўл очдилар.

Икки кунлик қизгин ҳашар жараёнида мазмун-моҳиятан айнан шунга ўхшаш тадбирлар Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Вобкент,

Ромитан, Когон ва бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтди. Табиатни тубдан ўйғотиш, инсонлар қалбида баҳорий илиқлик ва эзгуликларни лиммо-лим этиш, теварак-атрофга турфа ифодалар таратиш ва саноий заманимизга қўт-бароқа уруғларини сочиш учун ардоқли Наврўзимиз ошиқиб келаяпти... Шу боис унинг арафасидаги халқ ҳашарида 519 мингдан зиёд бухоролик фаол қатнашди. 2317 гектарга тенг майдон, йўл-раста, хиёбонлар тозаланди. 21 минг 516 тонна маийий ва қурилиш чиқиндилари шаҳар, туманлар марказлари, қишлоқ ва маҳаллалар ҳудудидан четга чиқариб ташланди. Бу ишларда 2 минг 533

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси шаҳар ва қишлоғида бўлманг, йўл бўйлари-ю ҳовлиларга, ариқлар четлари-ю далаларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экаётган юртдошларимизни кўриб, дилингиз яйрайди. Кўриқ Сирдарё вилоятида эса бу муҳим ишга алоҳида ғайрат-шижоат билан киришилди. Сабаби — вилоят ҳокимлиги қарорига кўра, жорий йилда 6500 та мўъжаз боғ яратилади.

## Ҳомийлар ва шифокорлар боғи

Сирдарё вилоятида Наврўз айёмига қадар 6500 та янги боғ барпо этилади

### ■ Примқул ДЎСТАМАТОВ, «XXI as» мухбири

Бу — шунчаки мавсумий тадбир эмас. Шу боис, вилоят ҳокимлигида кунаро туман ва шаҳар ҳокимлари, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари билан сим орқали кенгаш ўтказилапти. Мутасаддилар ўзларига бириктирилган ҳудудларда олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисобот бераётдилар. Мавжуд вазият таҳлил этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Аслида ушбу ташаббус Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда 2006 йили "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб аташ ҳақидаги тақлифидан сўнг юзага келганди. Бир қарашда кўчат экиш, боғ барпо этишнинг ҳомийлик ва шифокорликка алоқаси йўқдай кўринади. Аммо чуқурроқ ўйлаб қаралса, ушбу савоб юмуш ҳомийликка ҳам, шифокорликка ҳам бевоқифа дахлдордир. Чунки, бугун яхши ният билан қадалган ниҳол эртага сиз-у бизнинг саломатлигини мустаҳкамловчи сервитами мева бера бошлайди, юзлаб масофада қад ростлаган ям-яшил дарахтзорлар атроф-муҳитнинг мусофоллигини таъминлайди. Халқимиз тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олади. Дастурхонларимиз янада тўқин бўлади. Ана шундан келиб чиқиб, жойларда янги барпо этилаётган масканларга яхши ният билан "Ҳомийлар ва шифокорлар боғи" дея ном қўйилмоқда.



— Халқимизнинг ардоқли ва қадри байрами — Наврўз тантаналарини айнан ана шу боғларда нишонлашга қарор қилдик, — дейди O'zLiDeP аъзоси, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ойбек Ашурматов. — Мақсадимиз — халқимиз баҳор байрамини аллақандай идораларнинг биноларида эмас, балки она-табиат кўйида кутиб олсинлар. Чамандай гуллаган боғлар бағрида эзгу ниятлар билдирсинлар.

«Яхши ният — ярим давлат», дейдилар. Ушбу ташаббус воҳа аҳли учун айни муддао бўлди. Ҳозир вилоятнинг қайси бурчагида бўлманг, қўлида бир жуфт ниҳол-ю белкурак кўтарган одамларга дуч келасиз. Бу умумхалқ ҳашарида мактаб ўқувчиларидан тортиб, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрти талабаларигача фаол иштирок этмоқдалар.

Яна бир гап. Кўриқ вилоятни боғ-роғларга айлантдириш ҳаракатини сирдарёлик фермерлар ҳам бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Яъни, ҳар бир фермер ўз хўжалигида мўъжазгина бўлса-да, алоҳида боғ яратишга аҳд қилди.

— Ҳудудимизда жами 937 та фермер хўжалиги бор, — дейди Сайхунобод тумани ҳокими Абдувоҳид Турдибоев. — Уларнинг ҳар бири янги боғ яратиш учун ажратилган майдонларга энг сархил мева кўчатларини ўтказаяпти. Узоғи билан яна уч йилдан сўнг туманимиз том маънода жаннатмакон ҳудудга айланади.

Хуллас, жорий йил баҳорида Сирдарёда эзгу ишга қўл урилди. Натижаси эса ҳадемай кўзга ташлана бошлайди. Ана шунда биз — мухбирлар вилоят ҳақида гап кетганида, "Кўриқ" сўзини фақат ўтган замонда ишлатсак, ажаб эмас.



O`zLiDeP аъзолари ғолиб бўлишди

Қарши шаҳридаги М. Тошмухамедов номли вилоят театрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун аънаваний "Ташаббус — 2006" кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларда энг яхши тадбиркор, энг яхши фермер ва хунарманд номига сазовор бўлганлар иштирок этишди.

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI ASR» мухбири

Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев кўрик-танлов иштирокчилари билан учрашиб, уларни қийнаб келаётган муаммолар билан қизиқиб, кичик бизнесни янада ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, халқ истеъмоли моллари шунингдек, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш-ни янада кенгайтириш, хорижлик ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасида ўз фикр мулоҳазаларини баён этди.

«Энг яхши тадбиркор» номинациялари ўйича ғолиб деб топилдилар. — Танловда бизнинг партиядошларимиз ҳам муваффақият қозонди, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал — демократик партияси вилоят кенгаши-нинг раиси Маҳмуд Сайдалиев. — Масалан, Тўра Раҳмонов ва Гулнора Одилова O`zLiDeP фаоллари. Кўрик-танловда партиямизнинг тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўшаётгани ҳақларда ҳайъати томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди. Тадбирда O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан таъсис этилган «Энг саховатли тадбиркор» номинацияси ғолибига партиясининг қимматбахо совғаси топширилди.

«Газ қулфи»нинг калити кимнинг қўлида?

ёки қатта миқдорда иқтисодий наф келтирувчи янгилик яратган Қалман Эргашевни нега сарсон қилишмоқда?

Бундан икки йил муқаддам O`zLiDeP фаолларидан бири, Чиноз туманидаги «Ёввош» маҳалласининг оқсоқоли Қалман Эргашев тахририятга ташриф буюриб, «кичик бир ихтиро» яратганини, имкон бўлса бу ҳақда мақола тайёрлашимизни илтимос қилганди. Қизиксак, бу ихтиро хонадон ва корхоналар газ қувурларидаги кранларга ўрнатиладиган оддий бир сўргич қулф экан. Аммо унинг иқтисодий самараси миллионлаб сўмларга алоқадор эканлигини билиб, қизиқишимиз ортди.

Дониёр КАМОЛОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ



«Патент билан муҳофаза қилинган хилоф ривожда фойдаланаётган ҳар қандай шахс патент эгасининг мутлақ ҳуқуқини бузувчи ҳисобланади», дея белгилаб қўйилган. Демак, патент эгасидан бошқа ҳар қандай шахс ихтиролар, фойдали модел ва санот намунасида патент эгасининг руҳсати ёки у билан келишув асосидагина фойдаланиши лозим. Бирок Тошкент шаҳар ҳўжалик суди 2005 йилнинг 26 октябрида даввони кўриб чиқиб, «MVM» Ўзбекистон-Британия-Италия қўшма корхонасига нисбатан 5 млн. сўм моддий ва 2 млн. сўм маънавий зарарни ундириш қисмини бекор қилди. Ариза «Эргашев Қалман» фермер ҳўжалиги номидан берилган сабабли даввонинг қолган қисмини фуқаролик суди томонидан кўрилиши лозим, деган қарор чиқарди. Шундай экан суд аввалбошда-ноқ, яъни давво талаблари ва ҳужжатлар билан танишиб чиққан-дан сўнг ишни ҳаракатдан тўхтатиб, фуқаролик иши бўйича судга мурожаат этиш ҳақида қарор чиқариши лозим эди. Юқоридаги ҳолатда эса даввонинг моддий зарар қисмини ундиришни рад этиб, маънавий зарар қисмини бекор қилди. Шундан сўнг ҳўжалик судининг апелляция ҳайъатига мурожаат этишга мажбур бўлди. Аммо суднинг ушбу инстанцияси ҳам ав-

САНА

ҚАРОР ВА ИЖРО

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ҳамда мазкур музей ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган янги экспозициялар очилди. Унинг очилишида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, ўқитувчилар, талабалар, жамоатчилик ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Соҳибқирон юбилейига бағишланди

Назokat Усмонова, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Т.Мирзаев, академик Э.Ртвеладзе ва бошқалар Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш, ислохотларни янада жалдлаштириш жараёни маънавий соҳадаги янгиланишлар билан ҳамоҳанг тарзда кечаяётганини таъкидладилар. Бунда миллий давлатчилигимиз тарихини тиклаш, буюк аждодларимизнинг ўлмас маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, миллий қадриятларимиз, азалий аънаваларимиз мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1996 йилда Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилиши бу борадаги эзгу ишларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Музейнинг ўн йиллиги буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ҳамда қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналари арафасида нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, нафақат юртимиз ўтмиши, балки жаҳон цивилизацияси тарихида бобокалонимиз ҳамда кўҳна маданият бешиқларидан бири Қарши шаҳри алоҳида ўрин тутди. Булар Темурийлар тарихи давлат музейида намойиш этилаётган экспозицияларда яққол ўз ифодасини топган. Шарқ меъморчилигининг темурийлар даврига хос ва айни пайтда замонавий услубларни уйғунлаштирган ушбу даргоҳ нафақат юр-дошларимиз, балки нуфузли хорижлик меҳмонлар, сайёҳлар, олим ва тадқиқотчиларнинг севимли масканига айланган.

Ўзбекистоннинг қадимги давридан XIX асргача бўлган тарихини акс эттирувчи музей экспонатлари дастлаб олти юзтани ташкил этган бўлса, ҳозир бу ердаги осори-атиқалар сони икки ярим мингдан ошади.

Музей дурдоналари Франция, Германия, Австралия, АҚШ каби кўплаб давлатларда ташкил этилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, Ватанимизнинг бой тарихи доврғини жаҳонга ёймоқда. Бугунги кунгача бир ярим миллион нафардан зиёд томошабин ташриф буюрган ушбу муаззам масканда турли анжуманлар, олимлар билан учрашувлар, кўргазмалар ташкил этиш яхши аънавага айланган. Музейнинг ўн йиллиги арафасида очилган ўн та кўргазма бунинг далилидир.

«Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Шоҳрухия - қалъа шаҳар», «Амир Темур, Клавихо ва Самарқанд», «Соҳибқирон ва темурийлар даври - расомлар нигоҳида» каби номлар билан аталган мазкур кўргазмалар томошабинларда қатта қизиқиш уйғотмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Муяссар — энг иқтидорли ёш истеъмолчи

15 март — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни бутун дунёда кенг нишонланди. Юртимизда ҳам ушбу сана муносабати билан кўплаб қизқарли тадбирлар ўтказилди. Пойтахтимизда ўтган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи-2006» биринчи республика кўрик-танлови ҳам шу санага бағишланди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган танлов юртимиздаги барча академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларининг истеъмол маданияти ва ҳуқуқини юксалтиришга қаратилган.

Тадбирнинг очилишида мамлакатимизда инсон манфаати, хусусан, истеъмолчилар ҳуқуқларини қонун ҳимоясида экани алоҳида таъкидланди. Фуқароларимизнинг бу борадаги ҳуқуқлари «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун асосида қатъий ҳимояланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шу йўналишдаги меъёрий ҳужжатларни ҳаётга кенг татбиқ этишга хизмат қилаётди.

2003-2004 ўқув йилидан таълим муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларига дахлдор қонун ҳужжатларини ўқитиш бўйича махсус курслар жорий этилди. Мамлакатимизда ҳар йили ўтказиб келинаётган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танлови ўқувчиларнинг бу йўналишдаги билимини янада мустаҳкамлашда муҳим омили бўлмоқда.

Бу йилги кўрик-танлов ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни фаоллаштириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этди. Танлов иштирокчиларининг фаоллиги, мавзуга оид барча саволларга зукколик билан жавоб бериши шундан далolat берди. Танлов баҳона 745 мингдан зиёд ёш истеъмолчи бу борадаги дунёқарашини янада мустаҳкамлагани эътиборга молик.

Танловда пойтахтимиздаги Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи талабаси Муяссар Илҳомова энг иқтидорли ёш истеъмолчи деб топилди.

ТАШАББУС—2006

ИХТИРО

— Аввало, «Кулф - сўргич» қаттиқ пластмассадан тайёрланади, — дейди муаллиф. — У қувурларга ўрнатилган кранларга кийдириб қўйилади. Қачонки, газ пули тўланса, масъул шахс томонидан қўйилган кулф ечиб олинади. Бунинг учун бор-йўғи 300-400 сўм сарфланади, холос. Мосламадан бир неча марта фойдаланиш мумкинлиги инobatга олинса унинг нечоғли фойдали эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Боз устига зарурат юзасидан қувурларни кесиш ва қайта улашга кетадиган харажатларнинг ҳам олди олинади.

Очиги, айрим истеъмолчилар табиий газдан фойдаланадилару аммо ҳақини тўлашга келганда... Бундайларни жазолаш усули жуда осон. Газ қувури қирқиб қўйилса, тезда пули тўланади. Бирок бунинг харажати қатта. Талай вақт кетади. Ихтирочимиз ўйлаб топган кулфни ўрнатиш эса боз дақиқа вақт оларкан, холос.

Газ тизими учун ниҳоятда қулай ушбу мослама «Бошқомунгаз» ва «Ўзтехгаз» шўба корхоналари таркибигаги техник кенгаш йиғилишида кўриб чиқилиб, ўша кезларда унинг 15 минг дона тажриба нухасини ишлаб чиқариш ҳақида кўрсатма ва уч ой муддатда синаб кўрилиб, мониторинг ўтказиш хусусида топшириқ берилганди.

Хуллас, «кулф» синови бошланди.

Бу ишда ихтиро муаллифининг ўзи ҳам фаол иштирок этди. У мосламани аввало ўзи бош бўлган маҳаллада кўрлаб кўрди. Газ ҳақи йиғимлари зиёددаси билан адо этилгани боис мавжуд тўловларнинг 10 фоизи маҳалла ҳисоб рақамига келиб туша бошлади. Шу-шу «Ёввош»да газдан қарздор бўлишга буткул чек қўйилди.

Ишлаб чиқарилган мослама учта туманда синовдан муваффақиятли ўтган 2004 йилнинг 5 майида Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва санот намуналари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ «Трубопровод вентиляцияси ҳимоя қилувчи қулфлаш қўрилмаси» (муаллифлари - Қ. Эргашев ва О. Эргашев) давлат патент идораси томонидан «Sar 00321» рақами билан рўйхатга олинди.

Кичик бир ихтирога давлат даражасида аҳамият берилди. Чунки у ана шундай баҳога муносиб эди. Аммо...

Аслида Қалман ақанинг бу галги ташрифи ҳам ана шу «аммо»га боғлиқ эди. Мутахассислиги инженер-механик эканлиги боис ихтиро муаллифи турли қурилмиш ташкилотларида, шу жумладан, газ таъ-

миноти тизимида ҳам ишлаган. Соҳанинг нозик томонларини яхши тушунади. Тақдир тақозоси билан маҳалла фуқаролар йиғинига раис бўлиб сайлангач, ўз қишлоғида коммунал тўловлар, шунингдек табиий газ тўловларини ҳам ўз вақтида амалга оширилишига масъул шахс сифатида унинг оддий ва қулай йўл-йўриқларини излайди. Натижада бир қарашда содда, аммо жуда зарур қурилмани яратишга эришади. Бу борада ўғли - Отабек Эргашев билан анча изланади ва ечимини топади.

Юқорида қайд этилган идоралар қўллаб-қувватлаганидан сўнг «Коммуналинвест» МЧЖ «MVM» қўшма корхонасига Қалман ака яратган «кулф»дан 15 минг дона, яъни 9 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисида шартнома тузади. Бундан «MVM» ҚҚ 4,5 млн. сўм даромад олади ва мавжуд қондага кўра унинг 15 фоизи, яъни 675 минг сўми «Эргашев Қалман» фермер ҳўжалиги (Қ.Эргашев ушбу фермер ҳўжалигининг раҳбари ҳамдир — муаллиф)га ўтказиб беради.

«Кулф»лар тезда ишлатилиб юборилди, — дейди Қалман ака. — Шу йил бошида қўшни вилоят газ таъминот корхонасидан мени суриштириб қолишди. Сабабини сўрасам, уларни «кулф» қизиктирган экан. Ўзимда йўқлиги боис Оққўрғон туманидаги ҳам-касблардан сўраб кўрдим.

— Қанча керак, ака? — дейиш-ди улар ҳайратланиб. — Хоҳлаганингизча топиб берамиз.

Мен ҳайрон бўлдим. Аллақачон ишлатиб бўлинган мослама бу ерда нима қилади? Маълум бўлишича «MVM» қўшма корхонаси менинг розилигимсиз ўтган йилнинг март ойида яна 53 минг 600 дона қурилма ишлаб чиқариб, «Коммуналинвест»га 16 млн. 80 минг сўмга сотган экан. Шундан кейин ўз қонуний ҳаққини талаб қилиб, «MVM» қўшма корхонаси раҳбари А. Қўрмайицага учрашдим.

— Бу ҳақда сиз билан шартнома тузмаганмиз. Даввоингиз асоссиз, — деди у.

Мен эса ихтиро муаллифи сифатида бундан беҳабар қолмаслигим шарт эканлигини тушуниришга ҳаракат қилдим. Аммо у мени эшитишни ҳам хоҳламади. Сўнгра муроасага келиш мақсадида яхшигина пул ҳам таклиф қилди. Мен бунга рози бўлмадим ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этдим. Чунки «Ихтиролар, фойдали моделлар ва санот намуналари тўғри-

ТАХРИРИЯТДАН: чинозлик Қалман Эргашев яратган янгилик ҳозирча Тошкент вилоятининг айрим туманларидагина амалиётга қўлланилди, холос. Сабаби — бу мослама, содда қилиб айтганда соҳанинг айрим ходимларига маъқул келмади. Тўғрироғи, улар ўз ноиларини яримта қилишни хоҳламаптилар. Юқорида таъкидланган мажлисдаги маърузада алоҳида қайд этилганидек, «Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалда бундай хизматлардан фойдаланаётган қўлчилик истеъмолчилар ё улар учун ҳақ тўламайди, ёки турли назоратчилар ва тўлов йиғувчилар билан пинхона ҳисоб-китоб қилади». Яратилган мослама ўрнатилиб, жиддий назоратга олинса кўзбўямачилик ҳоллар, кескин қамайган бўларди. Назаримизда бу муҳим ишга «Бошқомунгаз» корхонаси алоҳида эътибор қаратиб, янгиликни республика миқёсида жорий этилишига бош қўшса, айни муддао бўлур эди.



# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI

WWW.21ASR.COM



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНДА,  
ҲАММА БИР МУШТ БЎЛИБ БИРЛАШИШИ ДАРКОР

## Имкониятлар етарли

ҳамма гап улардан қандай фойдаланишда, — дейди Асака тумани марказий шифохонаси бошланғич партия ташкилоти раиси Мамашариф Хусаинов

Кўп йиллар мобайнида шифокорлик қилиб, ўз соҳасида етарли тажриба орттирган Мамашариф Хусаиновни бошланғич партия ташкилоти раислигига тавсия этишганида, у бироз иккиланиб қолди. Тўғри, ўз хизмат бурчини яхши тушунади, шифохонада ўтказиладиган ҳар бир операцияда иштирок этиши шарт. Хўжақўрсинга ишлашга асло одатланмаган. Агар бирор юмушга қўл урса, уни албатта охирига етказди. Партия ташкилотини бошқариш, турган гапки, осон иш эмас. Хўш, нима қилиш керак?

■ Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Шифохона бош врач, О'zLiDeP аъзоси Позилжон Мавлонов шундай дейди: — Ўтган қисқа давр ичида туманимизда яшовчи 185 мингдан зиёд аҳоли учун малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини йўлга қўйдик. Илгари оғир хасталикка дучор бўлган ёки фавқулодда жароҳатланган беморлар вилоят шифохоналарига жўнатила эди. Ҳозир ҳар қандай мураккаб операцияни ҳам ўзимизда амалга оширяпмиз. Шифохона бўлимлари энг сўнгги тиббиёт техникалари, асбоб-ускуналари билан таъминланган. Малакали мутахассисларимиз етарли. Мана кўрасиз, партия ташкилоти ишини ҳам жойига қўямиз.

Ҳозирги кунда бошланғич ташкилотда 40 нафардан зиёд аъзо бор. Бу — жуда катта куч. Қолаверса, бошланғич партия ташкилоти раиси Мамашариф Хусаинов тиниб-тинчимас, жонкуяр мутахассисларимиздан бирдир. Ана шу гапларга ҳам икки йилдан ошди. Бугун манзара тамом бошқача. Ўз касбига содиқ шифокор, жамоат ишларида ҳам кўпчиликини ҳам ўзимизда амалга юклатилган партиявий топшириқни сидқидилдан адо этмоқда. Дастлаб Асака туманидаги Ўзбекистон қишлоқ касалхонасида, сўнгра туман марказий шифохонасида фаолият кўрсатган малакали мутахассис ўз



соҳаси бўйича етарли тажрибага эгадир. — Одатдаги иш кунларининг бирида автоҳалокатга учраган ҳайдовчи йигитни олиб келишди, — дея эслади партия фаоли, шифокор-реаниматолог Абдурашид Мирзаалиев. — Бемор қаттиқ жароҳатланган бўлиб, аҳоли ниҳоятда жиддий эди. Кўпчилик мутахассислар унинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони йўқ, деган хулосага келишди. Шунда Мамашариф Хусаинов тавakkал қилди, операция 5 соатдан кўпроқ давом этди. Унинг яшаб кетишига ишонч дەرли йўқ эди. Бемор саккиз кун, яъни 192 соатдан кўпроқ вақт мобайнида кўзини очмади. Юраги уриб турганини монитор орқали билардик, холос. Вилоятдан чақирилган мутахассислар ҳам тайинли бир чора топшолмади. Хуллас, юздан бир имконият бор эди. Фидойи шифокор М. Хусаинов шу имкониятни топди. Бемор соғайиб, оёққа турди.

Партия фаоли ҳаётдан бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айни кунда у бошланғич партия ташкилоти ишини ҳам намунали йўлга қўйган. Жонлантириш (реанимация) бўлими бошлигининг хонаси кўпроқ маънавият-маърифат хонасини эслатади. Бу ерда республикамизда чоп этиладиган ижтимоий-сиёсий газеталарнинг таҳлавлари тартиб билан териб қўйилган. Тегишли ҳужжатларни кўздан кечираркансиз, шифохонада партия ташкилоти номигагина тузилмаганига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз. Баённомалар тўпламида ўтказилган ҳар бир йиғилишнинг кун тартиби, санаси, иштирокчилар сони, сўзга чиққан фаоллар, кўрилган

масалалар аниқ-тиниқ баён этилган. — Бошланғич партия ташкилоти йиғилишларида юртимиздаги ижтимоий-сиёсий вазият, дунёда рўй бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида атрофлича фикр юритамиз, — дейди М. Хусаинов. — Фаоллар ўз ишлари хусусида ҳисоб беришади. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни таҳлил қилиб, келгусидаги режаларни белгилаб оламиз. Жумладан, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузаси юзасидан маҳаллада алоҳида йиғилиш ўтказиб, тегишли вазифаларни белгилаб олдик. Айни кундаги асосий эътиборимиз улар ижросини таъминлашга қаратилган.



**Мамашариф Хусаинов, 1960 йилда Асака туманида туғилган. Андижон тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлаган. Айни пайтда Асака тумани марказий шифохонаси реанимация бўлими бошлиғи, О'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.**

— Бошланғич ташкилот ҳисобида беш нафардан зиёд аъзо бор. Уларнинг орасида рус, татар миллатига мансублари ҳам бор. Дунёқарашимиз, мақсадимиз, гоёмиз бирлиги туфайли ижобий натижаларга эришяпмиз, — дейди Ойниса Хайдарова. — Ҳаёт олдимишга кун сайин янги талабларни кўндаланг қўймоқда. Шу асосда жойларда кенг тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз. Жумладан, Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузаси юзасидан маҳаллада алоҳида йиғилиш ўтказиб, тегишли вазифаларни белгилаб олдик. Айни кундаги асосий эътиборимиз улар ижросини таъминлашга қаратилган.

Маълумки, аёлнинг жамиятда тутган ўрни бекиёс. Сир эмас, ҳозирги кунда баъзи қиз-жувонларимиз уйда ўтириб қолишган. Уларни муқим иш билан таъминлаш кун тартибидан турган муҳим масалалардан биридир. Шу мақсадда туман меҳнат бўлими, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрта-тадбирда кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фаолиятимиз доирасини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Тўғри, корхонамиз унча катта эмас, бор-йўғи 11 киши меҳнат қилади. Жамоа раҳбари Абдуваҳоб Ўринбоев партия фаолларидан бири, халқ депутатлари Чиноз туман кенгашининг депутати сифатида яқинда ўз сайловчилари билан учрашди. Ана шу тadbирда "Олмазор" қишлоқ шифокорлик пункти мудири, О'zLiDeP аъзоси Нуриддин Туляпов сўзга чиқиб, депутатдан шифохонанинг иситиш тармоғини янгилашда ёрдам кўрсатишни илтимос қилди. Бошланғич партия ташкилоти йиғилишида ушбу таклифни кўриб чиқдик ва уни амалга оширишни ўз зиммамизга олдик.

Кези келганда бир нарсанга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ташкилотимиз аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларига ўтказилган сайловларда фаол қатнашдилар. Чиноз тумани бўйича 30 киши маҳаллий кенгашларга депутат этиб сайланди. Уларнинг тенг ярми О'zLiDeP аъзоларидир. Аммо, афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам изчил фаолият олиб бораёпти, деб бўлмайди. Шу боис, партия аъзоларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Олдимишда катта ишлар турибди. Партиянинг гоё ва мақсадларини оммага етказиш, унинг нуфузини ошириш йўлида тинимсиз изланишимиз даркор. Ана шундагина кўзланган мақсадларга эриша оламиз.

Бир сўз билан айтганда, бошланғич ташкилотимиз О'zLiDePнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш йўлида бор куч-имкониятларни ишга солмоқда. Чунки давр ана шундай яшаш ва ишлашни тақозо этаётир.

Айни пайтда Чиноз туманидаги 18 та корхона ва муассаса, 16 та маҳаллада партиянинг бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. "Давр" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ана шулардан биридир. Корхона бош иқтисодчиси Ойниса Хайдарова партия фаоли сифатида нафақат ўз жамоаси, балки "Олмазор" маҳалла аҳли орасида ҳам алоҳида ҳурмат-эътибор қозонган.

## Ҳар қандай мақсад йўлида

лоқайдлик ва ўзибўларчилик иллоти бизга билдирилган ишончга путур етказишини унутмаслик лозим

■ Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири

— Бошланғич ташкилот ҳисобида беш нафардан зиёд аъзо бор. Уларнинг орасида рус, татар миллатига мансублари ҳам бор. Дунёқарашимиз, мақсадимиз, гоёмиз бирлиги туфайли ижобий натижаларга эришяпмиз, — дейди Ойниса Хайдарова. — Ҳаёт олдимишга кун сайин янги талабларни кўндаланг қўймоқда. Шу асосда жойларда кенг тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз. Жумладан, Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузаси юзасидан маҳаллада алоҳида йиғилиш ўтказиб, тегишли вазифаларни белгилаб олдик. Айни кундаги асосий эътиборимиз улар ижросини таъминлашга қаратилган.

Маълумки, аёлнинг жамиятда тутган ўрни бекиёс. Сир эмас, ҳозирги кунда баъзи қиз-жувонларимиз уйда ўтириб қолишган. Уларни муқим иш билан таъминлаш кун тартибидан турган муҳим масалалардан биридир. Шу мақсадда туман меҳнат бўлими, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрта-тадбирда кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фаолиятимиз доирасини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Тўғри, корхонамиз унча катта эмас, бор-йўғи 11 киши меҳнат қилади. Жамоа раҳбари Абдуваҳоб Ўринбоев партия фаолларидан бири, халқ депутатлари Чиноз туман кенгашининг депутати сифатида яқинда ўз сайловчилари билан учрашди. Ана шу тadbирда "Олмазор" қишлоқ шифокорлик пункти мудири, О'zLiDeP аъзоси Нуриддин Туляпов сўзга чиқиб, депутатдан шифохонанинг иситиш тармоғини янгилашда ёрдам кўрсатишни илтимос қилди. Бошланғич партия ташкилоти йиғилишида ушбу таклифни кўриб чиқдик ва уни амалга оширишни ўз зиммамизга олдик.

Кези келганда бир нарсанга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ташкилотимиз аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларига ўтказилган сайловларда фаол қатнашдилар. Чиноз тумани бўйича 30 киши маҳаллий кенгашларга депутат этиб сайланди. Уларнинг тенг ярми О'zLiDeP аъзоларидир. Аммо, афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам изчил фаолият олиб бораёпти, деб бўлмайди. Шу боис, партия аъзоларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Олдимишда катта ишлар турибди. Партиянинг гоё ва мақсадларини оммага етказиш, унинг нуфузини ошириш йўлида тинимсиз изланишимиз даркор. Ана шундагина кўзланган мақсадларга эриша оламиз.



2006 йил 16 март, Пайшанба

11 (117)-сон

7

# Обрў-эътибор мисқоллаб йиғилади

Ромитан туманидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари фаолияти бунга яққол мисолдир

— Бугунги кунда туманимизда 620 нафар O`zLiDeP аъзолари фаолият кўрсатишмоқда, — дейди партия туман кенгаши раисининг ўринбосари Раҳим Шукуров. — Аммо гап сонда эмас, балки амалий натижададир. Биз ўз фаолиятимизга ана шу нуқтаи назардан баҳо беришга одатланаяпмиз. Мавжуд 32 та бошланғич ташкилот орасида “Пахтабанк” бўлими қошидаги сиёсий бўғиннинг ўз ўрни бор. Бу ерда 49 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг 18 нафари партия аъзосидир.

■ Эшмурод БОБОМУРОДОВ, «XXI asr» мухбири

Жамоада партиявий-сиёсий ишларнинг самарадорлиги ҳақида гап кетганда, бош мутахассис Шариф Давлатовнинг номи биринчилар қаторида тилга олинади. 2004 йил февраль ойида ўтказилган ташкилий йиғилишда бошланғич партия ташкилоти тузилиб, Жобир Саъдуллаев раис, Шариф Давлатов эса раис ўринбосари этиб сайланган эди.

Шундан кейин банкнинг етакчи ходимлари — бошқарувчи ўринбосари Жўшқин Қосимов, бўлим бошлиғи Абдулла Аҳмедов, мутахассислардан Улуғбек Хожиев, Ифтихор Неков, Истам Жўраевлар O`zLiDeP сафига қўшилишди. Эътиборга молик томони, уларнинг барчаси молия-иқтисод соҳаси бўйича муайян тажриба орттирган ва жамоа орасида обрў-эътибор қозонган мутахассислардир.

Хуллас, мустаҳкам партиявий ўзак шаклланиб, ишдаги турли муаммолар ўз-ўзидан ечилиб бораётган, тадбиркорларга тезроқ ва беминнат хизмат кўрсатиладиган бўлди.

Ташкилот етакчисининг таъкидлашича, партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий масалаларга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилмоқда. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бераётган. Партия йиғилишларида O`zLiDeP дастурий мақсадлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси тез-тез муҳокама қилинади. Энг муҳими, сиёсий фаоллик жамоа аъзоларининг меҳнат фаолиятида яққол намоён бўлмоқда.

2006 йил 1 январь ҳолатига, банк миқозлари сони 832 тага етди. Бу — 2004 йилдагига қараганда қарийб юзтага кўпдир. Жойларда ташкил этилган мини-банклар тадбиркорлик субъектлари мушкулни осон қилмоқда. Омонатчилар сони бир йилда 476 нафар кўпайиб, жами 980 тага етганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Ўтган йили аниқ режа-лойиҳа асосида 338 та фермер хўжалигига 2 млрд. 634 млн. сўмлик имтиёзли кредит, 108 та ташкилотга 1 млрд. 576 млн. сўмлик тижорат кредити ажратилган эди. Масалан, “Меҳридин” фермер хўжалиги раҳбари Муҳиддин Фозилов шу ҳисобдан “Алтай” трактори сотиб олди, 30 гектар майдонда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга эришди: 26,9 млн. сўм даромад қилди. Шунинг 5 млн. сўми соф фойдадир. Энг муҳими, банк қарзи ўз вақтида қайтарилди.

Имтиёзли кредитдан унумли фойдаланиш эвазига миллионерга айланган “Лабирўд” фермер хўжалиги раҳбари Азим Қўшаевнинг фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мавсум давомида режадаги 35,4 центнер ўрнига 43,5 центнердан пахта етиштирилди, 32 млн. 768 минг сўм даромад, 7,4 млн. соф фойда олинди. Лизинг асосида харид қилинган “Беларусь” трактори айна кунда фермер фаолияти учун асқотаётган.



Жобир САЪДУЛЛАЕВ, 1974 йилда туғилган. Бухоро бухгалтерлар тайёрлаш мактаби, Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини “Челонғу” ширкат хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган. “Пахтабанк” бўлими мутахассиси бўлиб ишлаб, айна пайтда бўлим бошқарувчиси ва O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раисидир.



Энди яна партиявий-сиёсий ишлар ҳақида. Яқинда ёш ходимлардан Мунира Жўраева ва Зевара Дониёрова партия сафига қабул қилинди. Шу тариқа жамоада O`zLiDePчилар сони 20 нафарга етди. Энг муҳими, партия сафларига энг муносиблар жалб этилмоқда. Жумладан, Мунира Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институтининг иқтисодиёт факультетини, Зевара эса банк-иқтисодиёт коллежининг ҳисобчилик бўлимини битиришган. Ўтган давр мобайнида улар банк ишида ўз иқтидор ва лаёқатларини намоён этишди.

Низомда партиявий интизом аъзолик бадалларини ўз вақтида, ихтиёрий ва тўлиқ тўлашдан бошланади, деган қоида мавжуд. Ушбу бошланғич партия ташкилоти аъзолари 2006 йил 31 январь ҳолатига, ўз даромадлари

ҳисобидан тегишли аъзолик бадалларини юз фоиз тўлашганини эшитиб, биз ҳам мамнун бўлдик.

Туман ҳокимлиги ҳузурда O`zLiDeP бошланғич ташкилоти тузилганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у бирмунча ютуқларга эришди.

— Сафимизга 15 нафар партия аъзоси бирлашган, — дейди ташкилот етакчиси, туман халқ таълими бўлими услубшуноси Отабек Баратов. — Муҳими, партия аъзоларининг кундалик фаолияти туман ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан узвий боғланиб кетган.

Туман ҳокими, мазкур бошланғич ташкилот ҳисобида турувчи O`zLiDeP аъзоси Аскар Нозимовнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Биз иқтисодий соҳадаги ислохотларни эрта бошлаганмиз. Чунончи, ер ва мулк 2001 йилдаёқ тадбиркор ва ишбилармонлар ўртасида тақсимлаб берилган эди, — дейди у. — Ўтган давр мобайнида биргина пахтачиликда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 26 центнердан 40 центнерга, ялли ҳосилдорлик эса 50 минг тоннага кўтарилди. 833 та фермер хўжалигининг аксарияти аллақачон ўз қаддини тиклаб олган. Ҳозир ана шу фермерларнинг 26 нафари хусусий гишт заводига, 228 нафар чорвачилик фермасига, 52 нафари фирма ва кичик корхоналарга эга. Президентимиз Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш куч-ғайрати, партиявий салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти бугун барча жабҳада намоён бўлиб турибди.

рига бағишланган мажлисидаги маърузасида ўртага қўйилган талаблардан келиб чиқиб, фермерлик ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Бу борада, шубҳасиз, O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари ва фаолларининг ҳиссаси катта бўлаётган.

O`zLiDeP туман кенгаши раиси, Ромитан қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбари Рустам Норов қуйидагиларни қўшимча қилди:

— Бугунги кунда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси туман бўлими, “Ромитан МТП” акциядорлик жамияти, Ўба маҳалла фуқаролар йиғини каби ўнлаб бошланғич партия ташкилотлари ҳам эзу мақсадлар йўлида иш олиб боришяпти. Яқинда фаолларнинг савий-ҳаракати билан туманда “Оилани ижтимоий ҳимоялаш ўқув-ишлаб чиқариш марказ”лари очилди, юзлаб қасаначилар шартнома асосида ишга жойлаштирилди. Бу — Президентимизнинг қасаначиликни ривожлантиришга оид Фармони ижросини таъминлаш йўлидаги дастлабки қадамлардан биридир. Бошланғич партия ташкилотлари ҳисоб-китобида қараганда, йирик корхона ва фермер хўжалиқларининг саноатли раҳбарлари ҳозиргача туман марказий касалхонаси, қишлоқ тиббиёт масканлари, вилоят Меҳрибонлик уйига 2,5 млн. сўмга яқин ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар...

Ҳа, ромитанлик O`zLiDeP аъзоларининг куч-ғайрати, партиявий салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти бугун барча жабҳада намоён бўлиб турибди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Кармана туман кенгаши раиси Улуғбек Ҳамидовга қўнғироқ қилиб, тумандаги бошланғич партия ташкилотлари фаолияти хусусида мақола тайёрламоқчилигимни айтдим.

## Қатрада қуёш акс этади

■ Олим Хўжаев

— Жуда яхши, — деди Улуғбек Аҳмадалиевич. — Эртага “Кармана — Ором” корхонаси раҳбари, бошланғич партия ташкилоти раиси ҳамда халқ депутатлари Кармана туман Кенгаши депутати Бағир Фармонов ўз сайловчилари билан учрашади. Ана шу тадбирда қатнашсангиз, бийўла бошланғич ташкилот фаолияти билан ҳам танишасиз.

Келишилган вақтда корхонага етиб бордим. Бу ерда туман марказидаги Деҳқон ва Кўҳна Кўрғон маҳаллалари сайловчилари, фахрийлар, корхона ишчи-хизматчилари тўпланишган эди.

— Аввало партиямизга билдирган ишонч учун раҳмат, — деди Б. Фармонов учрашувда сўзга чиқиб. — Ўтган давр биз учун жиддий синов даври бўлди, десам янглишмайман. O`zLiDeP дастури бўйича тузилган иш режасига асосан сайловчилар билан тез-тез учрашиб, уларнинг талаб ва таклифларини амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган қисқа давр мобайнида иқтисодий имкониятлар доираси кенгайди ва кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Иккала маҳалла бўйича 10 киши ишга қабул қилинди, уларга тегишли моддий ёрдам кўрсатилди. Файзулла Хўжаев кўчаси корхона ҳисобидан таъмирланди.

Депутат ва партия фаоли йиғилганларга O`zLiDeP дан сайланган депутатларнинг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлардаги фаолияти тўғрисида ҳам атрафлича ахборот берди. Таъкидландики, либерал-демократлар партияси ўзининг амалий ишлари, гоё ва мақсадларининг ҳаётийлиги билан омма ўртасида эътибор қозонмоқда. Бу эса, жойлардаги партия аъзолари ҳамда фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклатиши ўз-ўзидан маълум.

Тадбирда сўзга чиққан O`zLiDeP туман кенгаши раисининг ўринбосари Б.Убайдуллаев, меҳнат фахрийларидан Р.Файзуллин, У.Пардаев ва бошқалар депутат фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Учрашув сўнгида бир неча кишининг O`zLiDeP сафига қабул қилинганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Айна пайтда ташкилот ҳисобида 15 нафар O`zLiDeP аъзоси бўлиб, улар партия Низоми ва дастурига содиқ, сиёсий жиҳатдан етук ва ташкилотчи инсонлардир. Шу боис, иш режасида белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилмоқда.

Биз Мирзо Ҳамроев, Жамол Қаниев, Меҳмон Қаҳқоров ва билан суҳбатлашар эканмиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Улар тадбиркорликни, ишлаб чиқаришни ривожлантирмай туриб, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириб бўлмаганини жуда яхши билишади. Шу боис, партиявий бурча содиқ қолиб, барча соҳада астойдил меҳнат қилишмоқда. Ўз фаолиятини нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаган жамиятда яқинда маъданли сув қадоқлаш технологияси ҳам йўлга қўйилди, “Нурбулоқ” корхонаси фойдаланишга топширилди, маъший эҳтиёжларга мўлжалланган қоғоз маҳсулотлари цехи ишга туширилди. Шунга мутаносиб равишда даромад ҳам кўпаймоқда. Бу ўз навбатида янги иш ўринларини яратиш имконини берапти.

Саховатпешалик юксак инсоний фазилатлардан биридир. Б.Фармонов партия фаоли сифатида бунга тўла ҳис этади. Ўтган йили кўзи оғирлашган жамияти, ногиронлар уюшмаси, шунингдек, туманда амалга оширилган хайрли ишлар учун 3,5 млн. сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилгани эътиборга моликдир.

“Ҳомийлар ва шифокорлар йили”да бу борадаги хайрли ишлар янги қўлам касб этмоқда. Курбон хайити, муборак Рамазон байрамлари муносабати билан маҳаллалар ҳудудида катта ҳажмдаги тозалик ва ободонлаштириш тадбирларини амалга ошириш режалаштирилган.

Қатрада қуёш акс этади, дейдилар. Карманадан қайтар эканмиз, кўппартиявийлик шароитида туманда O`zLiDeP нуфузи, обрў-эътиборини ошириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланилаётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. “Кармана — Ором” масъулияти чекланган жамияти қошидаги бошланғич партия ташкилотининг фаолияти ҳам шундан далolat бериб турибди.

*Партия иқтисодиётда тугалланган технологик ишлаб чиқариш циклига эга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини тўлиқ қайта ишлайдиган корхоналар катта улушга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Бунда асосий эътибор маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асосида ҳамда илғор замонавий технологияларни қўллаган ҳолда рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилиши керак.*

O`zLiDeP дастуридан

Илова учун масъуллар:  
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ

## «ҚАРШИ ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ»

### ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**Бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган Наврўз байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этади. Азиз юртдошлар! Наврўзи олам суюкли Ватанимизда истиқомат қилаётган ҳар бир оилага байрамона кайфият, тўқис бахт-саодат, қут-барака олиб келишига астойдил тилакдошмиз.**



## ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ

Серқуёш Ўзбекистон аҳолисини  
Наврўз айёми билан  
чин юракдан қутлайди.  
Сиз — азизларга тинчлик-хотиржамлик,  
дастурхонингизга қут-барака,  
оилавий бахт тилаймиз.  
Қалби дарё юртдошлар, умрингиз узоқ,  
ризқингиз бутун бўлсин!  
Янги кун муборак, азиз замондошлар!



## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ



Жонажон дўғримиз халқини  
янгилаш ва яшарш  
байрами — Наврўзи Олам  
билан самимий муборакбод этади.  
Халқимизнинг бебаҳо қадриятлари,  
маънавий мероси, азалий удувлари  
жо бўлган ушбу байрам  
барчамизга қутлуғ келсин.  
Юртимиздан бугунгидек байрамона  
кайфият, шоду хуррамлик,  
тинч-тотувлик аримасин!




# «ЎЗИККИЛАМЧИРАНГЛИММЕТАЛЛ» ЖАМОАСИ

бутун Ўзбекистон халқини меҳр ва муруват айёми —  
Наврўз байрами билан чин юракдан табриклайди.  
Она - Ватанимиз осмони ҳар доим бугунгидек  
мусаффо, хонадонларимиз осойишта, ҳаётимиз  
қувончларга тўлиқ бўлсин, деб ният қилади.  
Ушбу фарахбахш кунларда ҳар бир хонадонга  
бахт-саодат, тинчлик-тотувлик ва фаровонлик тилаймиз!

# «ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

## ишлаб чиқариш бирлашмаси

*бутун мамлакатимиз халқи  
ҳамда юртимизнинг  
ноёб касб эгалари — металлурглари  
НАВРЎЗИ ОЛАМ  
билан чин қалбдан муборакбод этади.  
Баҳор шодиёналари авж олган мана  
шу қутлуғ кунларда азиз Ватанимизнинг  
барча фуқароларига  
муштаҳкам соғлиқ, аъло кайфият,  
хонадонларига файз-барака  
тилайди.*






## «ИРОТЕКА BANK» АТИБ жамоаси

юртимиз фуқароларини, ўз мижозларини янгиланиш  
ва яшариш байрами — Наврўзи олам билан  
самимий табриклайди.

Мамлакатимиз равнақи йўлидаги меҳнат  
фаолиятингизда сизларга муваффақият доимо  
ҳамроҳ бўлсин. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида  
барча-барчангизга сихат-саломатлик тилаймиз.  
Наврўз муборак, азиз юртдошлар!



## Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан ХАЛҚ БАНКИ

Муқаддас юртимиз аҳли ва меҳмонларини  
НАВРЎЗ ДИЁМИ  
билан самимий муборакбод этади.  
Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик,  
фаровонлик, дастурхонингизга  
қут-барақа ва оилавий бахт тилайди.  
Ҳамда байрам муносабати билан  
«БАҲОР» қисқа муддатли, ютуқли омонат турини  
ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга, камида  
10000 сўм миқдориди Халқ банкининг  
барча муассасалари орқали қабул қилинади.

Ҳар бир омонатчи белгиланган фоиз  
даромадларини олиш билан бир қаторда  
1000000 сўм ютуқ совриндори бўлиш  
имкониятига эга.

Ютуқлар тиражи 2006 йилнинг апрель ойида  
Навоий шаҳрида ўтказилади.

**ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА  
САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!**

## «АНДИЖОН ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» АЖ

Ўзбекистон халқини қадимий ва шукуҳли

НАВРЎЗ байрами билан қизғин муборакбод этади.

Азиз ватандошлар! Шарқона янги кунда чехрангизда пайдо  
бўлган нурли табассум, кўтаринки кайфият сизларни бутун  
йил бўйи тарк этмасин. Осмонимиз ҳамиша беғубор,  
юртимиз тинч-омон бўлсин!



## МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

Жаннатмакон юртимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларни қадимий қадриятимиз — Наврўз байрами билан самимий қутлайди. Бутун вужудимизга наҳорий тиниқлигу баҳорий илиқлик югураётган мана шу фарахбахш дамларда сиз, азиз ватандошларга мустаҳкам соғлиқ, шоду хуррамлик, бунёдкорлик ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлишига чин кўнгилдан тилакдошмиз.



## «ШҲРТАННЕОТТАЗ» УНИТАР ШҲЪБА КОРХОНАСИ

Бутун Ўзбекистон халқини қалбларимизга меҳр нури, баҳор нафаси, бетакрор гўзаллик олиб кирувчи гўзал айём - Наврўзи олам билан табриклайди. Муस्ताқил юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча касб эгаларига туганмас куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ҳар доим хонадонингиз тинч, дастурхонингиз тўкин бўлсин!

«ҚАШҚАДАРЁПАХТАСАНОАТ»  
худудий акциядорлик бирлашмаси

Наврўз эзгулик ва янгиликлар даракчисидир. У ҳаёт бардавомлиги, орзу-умидлар рўёбининг чинакам кўриниши ҳамдир. Шу боис, туркий қавмлар бу байрамни ўзгача интиқиш билан қарши олишади. Зеро, Наврўз дилларга мунасварлик, эртанги кунга ишонч бахш этади. Айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

## ТОПИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ

Қадрли ватандошлар!  
Юртимизга ташриф буюраётган янгиликлар фаслининг даракчиси — Наврўзи олам билан қутлаймиз. Баҳорий айём барчангизга шодлик келтирсин, дея тилак билдирамыз. Энг эзгу, энг ширин ният ва орзуларингиз ижобат бўлаверсин. Айём муборак, азиз юртдошлар!



Азалий ҳақиқат ва шеърят

Белинский чинакам шеърятни ҳаёт машғаласи алангаланаётган тирик инсоннинг кўзига, сохта, ясама назмбозликни эса ҳаёт нури сўниб бўлган, маънисиз, тангадай совуқ қорачиққа ўхшатган эди. Ҳақиқатан ҳам чинакам шеърда инсоннинг, шоирнинг қалби қандай шиддат билан тепаётгани, унинг беадад муҳаббати, ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари ҳаётнинг ўзидагидай ҳаққоний тарзда акс этади.



Абдуҳамид ПАРДАЕВ

Чинакам санъат — ижодкорлик мутафаккирлар айтганидек, табиатга, ҳаётга тақлид, дейдиган бўлса, асл ижодкорлар ҳаётдан борасида ҳаёт ҳақиқати имкон қадар яқинлаша олганликлари билан бизларни ҳайратлантирадилар.

Абдулла Тўқай айтганидай: "Муҳаббат азалий дард бўлган билан ҳар бир қалб уни янгилайди". Бинобарин, шеърятда ҳам, қолверса, бадиъи ижоднинг бошқа турларида ҳам барча даврларда азалий мавзулар ҳукмронлик қилиб келади, фақат бир чинакам истеъдод соҳиби ана шу азалий ҳақиқатларни янгича талқин, янгича шакл-шамойил, янгича ташбеҳ-ифода усуллари воситасида идрокимизга синдиради, уларга қайтадан ҳаёт бахш этади.

Иқбол Мирзониинг: "Бармоқларинг бирим поэтик, Лабий эй, боқирам, поэтик. Юракда бор ярам поэтик — Бу ҳам шоядир манга, банди билан бошланганидан дил изхори, дил дардига ҳам дард бўларкансиз, Мавлоно Лутфийнинг, девонаи Машрабинг ошиқона ғазаллари кулгонгиз остида жаранглагандай туюлади.

Раҳмон Кўчор Иқбол Мирзони "қалби бутун ижодкор", дея таърифлагани бежиз эмас албатта. Умидим бор, дилинг топсам, Бар қона кун қўлинг топсам. Улиб, сўнра ўлим топсам, Ушбу кифоятдор манга! Шоирнинг "Етиб келдим" сарлаҳали шеъри ҳам ана шундай табиий "Ассалом..." билан бошланади, яна табиий "Алвидо..." билан яқунланади. Етиб келдим, мана муҳаббат юрти, Тилимда тупроқдай қуриди қалам. Эшик ҳаққасини уч бора урдим: Ассалом... Ассалом... Ассалом...

Топкирликни қарангки, бир кун туз ичган жойингга кирк кун салом бер, деганларидай, чексиз салом билан ҳаётга қадам қўйганига ургу бергандай "Ассалом..."нинг чеки йўқ. Бу мунтазам ҳам фожиали рух билан йўрилганига эътиборингизни жалб қилмоқчимман. Умуман, буюклик ва фожиавийлик ҳаммаса эгизаклардай ёнма-ён, бақамти юради. Шахс қанчалар буюк бўлса, унинг қисмати шу даражада фожиали кечади. Эҳтимол, буюк шахсининг фожиаси аққол

кўзга ташланмас, бироқ унинг ҳаётини фожиадан холи тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, Софокл, Данте, Шекспир, Сервантес, Толстой, Достоевский, Фолкнер сингари ижодкорларнинг асарларига айна аксарият фожиавийлик хос бўлгани учун ҳам улар шу даражада буюклик касб этгандир. Ҳаёт нисбатан тўлақонли акс этган асарларнинг барча-барчасига ҳаётнинг фожиавийлик хос бўлиши табиий ҳол. Шунинг учун ҳам Иқбол Мирзониинг аксарият шеърларига бошқа барча хусусиятлар каторида фожиавийлик ҳам мангу муҳрини босган.

Мен гулшан кутгандим, суҳан кўринди, дейди шоир фарёд қилиб (айни шу мисрада келган — "гулшан" ва "гулхан" сўзларининг қофиядошлигига, қолверса, Иқболнинг қатор шеърларида учрайдиган ички қофияга ҳам эътиборингизни қаратмоқчимман). Устига устак, "Сафо истаб, толдим қипқизил сахро" дея яна ҳам айюханнос солади. Бироқ ҳаёт до-рифтунундан оқилона ҳулоса чиқара олган теран мулоҳазакор шоир кутилмаганда, ҳар қанча азоб-уқубатли эканидан қатъий назар, "жулдур ҳаёт"-дан (А. Орипов) ҳаловат топади:

Наҳот оташгоҳдир орзу қилганим? Наҳот олов ичра қоларман мангу? Ажаб, ҳузур топди руҳ ила таним: Алҳамду... Алҳамду... Алҳамду...

Буни шоирнинг охирида шукронаси тарзида эмас, балки ҳаёт машаққатларини чинакам собит ирода соҳиблари каби мардонвор қабул этгани, уларга кўксини чинакам баҳодирларга хос қалқон қилиши тарзида тушунсак, ҳақиқатга нисбатан яқинлашган бўлаемиз.

Ҳушбўй чечаклардан бурракан юзни, Май, чоғу, қизлардан бўларкан жудо. Ҳеч ким мендек шодон айтмас бу сўзни: Алвидо... Алвидо... Алвидо... Шоир бу калимаи видони, шодон айтаётганини эътироф қилаётганидан қатъий назар, "Алвидо" сўзининг нақоратдай тақорланишида ҳаётга ташналик, чексиз-армон, изтироб ҳам акс-садо янглиг янграйдики, кўнглингиз беҳиётиёр орзиқиб кетади.

Шоирнинг халқона руҳда битилган ўйноқи, теран, сермазун, гоҳ шодон, гоҳ қайғули-маҳзун мисралари, тизмаларини қироат қилар экансиз, руҳиятимизнинг камалакдай ранг-баранглиги кўз ўнгиригизда жилвалангандай бўлади. Дунёда миллиардлаб одам бор, бироқ икки томчи сувдай (олимлар айтишларича, ҳатто сув томчилари ҳам айнан бир-бирига ўхшамас экан!) бир-бирига ўхшайдиганларни топиб бўлмайди. Бетақдор мукамалликни қарангки, нафақат инсонлар, ҳатто кум зарралари ҳам бир-биридан тамомила фарқ қилади. Шу нуқта назардан Иқбол Мирзониинг:

Айланагин номардиндан, мардиндан, деган меҳру муҳаббат ва нуруний бағрикенглик билан йўрилган изхори дилини қироат қилар эканман, беҳиёти ўша ҳикматомуз ҳулоса ёдга тушаверади.

Нафасим — ғанимат, сўзим ғанимат, Фожиа поймандан узилган ҳар из. Менинг ниҳоҳларим энг эзгу неъмат, Мен ахир биттаман, ягона, ёлғиз, деган азбаройи ҳайқирини-га қўшилиб, беҳиётиёр ўзингизни ҳам бетақдор, яқна-ю ягона, бинобарин, бетақдор шахс сифатида меҳр-муҳаббатга, эъзоз-эътирофга лойиқ эканингизни ҳаёлингиздан ўтказасиз. Бетақдор инсон сифатида ҳар жиҳатдан қадрланишга лойиқ эканингизни идрок этиб, туйғуларингиз исёнкор равишда жунбушга кела бошлайди.

Яратганга бориб айтман сени! Ўзи ҳукм этсин ва холис. Мен қайтиб келмайман, тушунайсанми? Мен ахир биттаман, ягона, ёлғиз... Сувлоқ кечан каби изим белгисиз, Изим кўз ёлғизим чўлди, билмадим. Умр соғурмоққа руҳсиз, севгисиз — Асов дил қайси кун кўнди, билмадим.

Шоирнинг бу сатрларини ўқир экансиз, бешиқдан қабргача шунчаки ўтиладиган ма-софа эмас, балки камолот йўли, камолот пиллапояларидан юксалиш экани ҳаёлдан кечади. Аксинча, шоир "Сувлоқ кечан каби белгисиз изидан" шикоят қилмаган бўларди.

Назаримда, кечаги кунга нисбатан бугун тонгда балққан кўш бутунлай бошқача. Инсоннинг бугунги куни кечаги кунига нисбатан гўзал ва сермаъно бўлиши шарт. Нафақат виждонимиз, балки Яратган Эгамнинг олдида ҳам "руҳсиз, севгисиз умр соғуриш" и-миз асло мумкин эмас.

Лев Толстойнинг қаҳрамонларидан бири ўзлгини аёвсиз тафтиш қилиб: "Худо менга ҳаммасини ато этди... бойлик, шухрат, ақл, эзгу интилишлар... Мен ҳеч қанақа жиноят қилмадим. Лекин жиноятдан баттарини қилдим: ўз ҳиссиётим, ақлим ва ёшлигимни ўлдирдим", дейди. Донишманд адиб — инсоннинг ўз ҳиссиёти, ақл-идроки, ёшлик — ишк-муҳаббатини ўлдирганлигини энг отир жиноят деб ҳисоблаганига ҳамоҳанг равишда Иқбол Мирзониинг лирик қаҳрамони ҳам руҳсиз, севгисиз умр соғуришни кечириб бўлмас гуноҳи азим деб билганидан азоб-изтироблар ис-канжасида фарёд чекади.

Фолкнер, янглишмасам, инсон ҳаёти давомида уч босқични бошдан кечиради. Дас-лаб ён-атрофидигиларнинг барчасига муҳаббат билан, кейинчалик нафрат билан, ниҳоят, сўнгги учинчи босқичда яна муҳаббат билан муносабатда бўлади, деб ёзганди. Иқбол Мирзониинг:

Айланагин номардиндан, мардиндан, деган меҳру муҳаббат ва нуруний бағрикенглик билан йўрилган изхори дилини қироат қилар эканман, беҳиёти ўша ҳикматомуз ҳулоса ёдга тушаверади.



УМИДА АБДУРАЗИМОВА

Қанотландим

Мен сабринг қизиман, Қизидирман бардошининг, Улчови бор кўзимдан Оққан ҳар қатра ёнининг. Йиғласам, қулиб яна Кўзга сурма тортаман. Бахтим қилиб тантана Қувонсам, ғам ортаман. Кун ва туним қоришиқ, Ёз алмашар қишларга. Дилда бесаранжом ишқ Тобе орзиқилларга. Ҳа, бардошининг қизиман, Қизидирман сабрининг. Адоғи йўқ мен тортаман Барча ситам, жабрининг. Яқна қанот бўлсам ҳам Умоққа қанотландим. Бошимга ёққан қорни Қурамоққа отландим. Қуёни кўриб журъатим, Кўрсатди қудратини. Сал кечиб тоғим мен Ғолиблиқнинг тоғини. Мендан кетган дўстларим Яна келди ўзлари. Узр сўраб, чирқираб Гирён елди бузлари. Дилмин оғриганлар Ўдлар оғримасдан. Баъзан бошим эзилди Урилган оғир дастдан. Мен чидадим сабрининг, Бардошининг қизини бўлиб.

Баъзан эса САБРИНинг, БАРДОШНИНГ ўзи бўлиб! Тилимни тишлаб ўтдим Пулсирот кўпругидан. Тилим танлаёда қотди Гуноҳим кўпугидан. Юзда кўзи бор-ку, Юз амри ширин, дедим. Яширди-ку, яширди Мен улар сирин дедим. Дедим, умр қисқади, Уришмоқ энди нечун? Тилимни тишлаб ўтдим Узун-қисқа йўллардан. Дарёга йўл ахтардим Қурб борар қўллардан. Бардошининг қизини бўлиб Енгиб ўтдим сўзларни. Сабрининг ўзи бўлиб, Менга теккан кўзларни. Естиқ баландарди Кинна қилиб қайтардим. Мени яратган Ҳаққа Сиғиниб айтдим дардим... Мен айтганим бўлмади, Сен айтганим ҳам ило, Ҳаммасида севадим, Чебарим қодир Аллоҳ! Оллоҳим, ўзинг бул деб, Бўлмасамин бўлдиригил, Сабру бардош қизининг Тўлаганин тўлдиргил!..

Халқим

Халқим, сенинг тўйингда Нонга тўйгалларинг бор. Паноҳ топиб уйингдан Меҳр қўйганларинг бор.

Ўйлар ҳаёт тарзинг, Ўйеки бордай қарзинг, Ҳатто қилолмай арзинг, Пинҳон қуйганларинг бор.

Силагансан бошини, Артгансан кўз ёшини, Лек чимириб қошини, Қовоқ ўйганларинг бор.

Балоларинг даф қилиб, Ҳар гардинг сабаф қилиб, Мискиликни чап қилиб, Яшамоқ ўйларинг бор!



ГУЛЖАМОЛ АСКАРОВА

Мен сизни безовта қилмасман ортиқ, Билдим, бўзгингизга келди малолим. Аммо мен нетайки ишқисиз дунёда, Мудом бўйингизда қолмиш заволим.

Ёдингизга ёдим малол келмиш, Кўзингиз зериқкан мендан билман. Гузал туйғуларни ҳўрланган жойда Мен нима қиламан?

Йиғлаб чорламасман шложин топсам, Энди кўзингизда отмас тонларим. Нурдан тупроқча сирли дунёда Мен Сизни англадим?

Нур излаб келганим дунёингизга, Зулматлар дарчасини ётмадими ҳеч. Айриқ раңларни тўлган дунёда Мен яшил рангимни тополмадим ҳеч.

Ҳайр, мен ўзига беғона одам, Сизга ҳам қадрдон бўлмоғим қийин. Мабодо, соғиниб қолсангиз агар, Қўнғироқ қиларман... Минг йилдан кейин.



МАНЗУРА ШАМСОВА

Соғиндим... Дардимни тошларга айтдим, Йиғладим, кўзларим ситилиб кетди. Бардошдан кечдим-у, бардошга қайтдим. Дунёлар торайиб, тугади, йитди.

Соғиндим. Деворлар тоғ бўлиб ўсди, Ғамларинг ёлғир елкама ётди. Минг битта йўлимни бир армон тўсди. Сабрлар сарғайиб дарёда оқди.

Соғиндим... Тўлларга ёлвордим бедор, Тўшлар кўзларимни авради беҳуд. Кунлар утаверди бемаъно, бекор. Тонлар булаверди тезрамда нобуд.

Соғиндим... Бу соғинч гадо қилгандек, Ўзимни бир ғариб сезиб қоламан. Кўл ўз занжирини севиб қоландек. Мен ўз соғинчини севиб қоламан. Соғиндим...

Камоланинг камоли

Л. СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири

Камола ёшлигидан ниҳоятда тиришқоқ, ҳаракатчан қиз бўлиб ўсди. У бошлаган ишини охирига етказмагунча тинчмас эди. Қўшиқ айтиш, рақс тушарди, расм чизарди. Ҳуқуқчилик давридаёқ адабиёт ва санъатга иштиёқи баландлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турарди.

Камола юқори синфларда ўқиб юрган кезларида "Ўзбекистон — Ватаним" кўрик-танлови ва бошқа кўллаб ижодий беллашувларда совринли ўринларни қўлга киритди, мат-

буотда ҳам ўз ижод намуналари билан тез-тез кўринадан бошлади. Орзу-интилишлари уни Тошкент политехника касб-хунар коллежига етказди. Коллежнинг модельер-дизайнер бўлимида тахсил олган Камола ўзининг турли йўналишдаги расм ва лойиҳалари билан устозлари назарига тушди.

Бу йил эса унинг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Камола Пардабоева мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндори бўлди.

— Айна пайтада Ўрта Чирчиқ тумани кишлок

хўжалик касб-хунар коллежнинг ишлаб чиқариш таълими устаси вазифинида меҳнат қилганда, — дейди Камола Пардабоева. — Интилишларим, изланишларим бесамар кетмади. Камарона меҳнатим шундай юксак мукофот билан тақдирланиши мен учун катта шараф. Бу ишонч ва эътибор мени янада кўпроқ меҳнат қилишга, Ватанимга муносиб фарзанд бўлишга ундайди.

Давлатимизнинг бу юксак мукофотини қўлга киритишимда коллежда таълим берган фидойи устозларимнинг, айниқса мен ўқиган 65-мактабнинг она

тили ва адабиёти ўқитувчиси Нигора Обидова, мактаб раҳбари Раҳима Хасанованинг ҳиссаси катта.

Айна пайтада Камола диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маҳалла маслаҳатчисининг ёрдамчиси вазифининг ҳам бажармоқда. Шу билан бирга «Еш чеварлар» тўғрагини ташкил этиб, 20 нафар қизга тикувчилик сирларини ўргатмоқда.

— Режаларим катта, — дейди Камола. — Ўқишни олий ўқув юртида давом эттирмоқчиман. Мақсадим — ўзбек миллий кийимларини замонавий андозаларда тайёрлаб, жаҳон саҳналари-

# «ШҮРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИ

**Азиз юртдошлар!**

**Халқимизнинг энг қадимий ва  
қадрли байрами — Наврӯз айёми  
барчангизга муборак бўлсин!**

**Байрам шукуҳи хонадонингиздан  
ҳеч қачон аримасин. Юртимиз тинч,  
ҳаётимиз фаровон, дастурхонимиз  
тўкин-сочин бўлсин.**

**Наврӯз — янги кун, янги йил  
демакдир. Ҳар бир кунингиз янгиликка,  
яхшиликка буркансин. Кексаларимиз пиру  
бадавлат, ёшларимиз шижоатли, бахту  
тахтли бўлсин. Ушбу фарахбахш кунларда  
билдирган энг яхши тилакларимиз рўёбга чиқсин!**



СЕРБИЯ

## Милошевичнинг сирли ўлими



Ҳамон жаҳон харитасида аллақачон Сербия ва Черногория номи билан пайдо бўлган собиқ Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевичнинг ўлими жаҳон оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзуси бўлиб қолмоқда. Собиқ Югославия бўйича Халқаро трибунал вакилларининг айтишларича, 2001 йилдан бери ҳибсда сақланаётган, бироқ шунча вақт мобайнида юрак хасталиги ва қон босими каби хасталиклардан азият чекаётган Милошевич ўз ажали билан ўлим топган.

■ **Кахрамон ҚҮЛДОШЕВ**

Шу йилнинг январда Югославиянинг собиқ президенти Москвадаги Бакуев номидаги тиббиёт марказида кўриқдан ўтишига рухсат беришларини сўраб трибуналга мурожаат қилгани, Россия эса унинг Нидерландияга қайтишини кафолатловчи ҳужжатларни тақдим этганига қарамай, «адолатли суд» бундай илтимосни қондирмади.

Шу ўринда собиқ давлат арбобининг таржимаи ҳолига тўхталмасликнинг иложи йўқ. У 1941 йил августда Белградда таваллуд топди. 1959 йили эса коммунистик партия сафига кириб, мансаб пиллапоясидан тез кўтарилди бошлади. Сиёсатчининг юлдузли онлари 1989 йилга тўғри келди. Милошевич миллатчилик кайфиятини ишга солгани ҳолда Косово ўлкасининг серб аҳолисини кўпчиликини ташкил этган албанлардан ҳимоялашга ваъда бергани ҳолда коммуният тепасига чиқиб олди. Айнаунинг босими остида социалистик Сербия парламенти Косово ва Метохия мухториятини бекор қилди. Шунинг таъкидлаш кераки, Болқондаги катта урушлар ва киргиларнинг келиб чиқишида айнан Милошевични айблашади. Чунки, 1991 йили Словения ва Хорватия ўз мустақиллигини эълон қилгач, Милошевич Югославия армиясининг серблар истиқомат қиладиган туманларга киритилиши ташаббускори бўлди. Орадан бир йил ўтиб, бошланган Босния ва Герцеговина урушида у маҳаллий серблар етакчиси Радован Каражични қўллаб-қувватлади. Айни ана шу мижозлар чоғида Слободан Милошевич қуролланган серб бўлинмалари ёнини олмаслики талаб этган Фарб мамлакатлари билан сан-манга бориб қолди. 1997 йили эса қайтадан авж олган Косово мижозини Югославия президенти сифатида кескин чоралар ёрдамида тинчтиришга ҳаракат қилди. Бироқ, унинг мамлакат худудий яхлитлигини сақлаб қолишга қаратилган уринишлари муваффақиятсизликка учради. Мамлакат НАТО давлатларининг ҳужумига дучор бўлди. Серб шаҳарлари аёвсиз бомбардимон қилиниши натижасида Югославия армияси

Косоводан олиб чиқилди. Мижозлардаги мағлубиятлар, уруш туфайли вайронага айланган мамлакатнинг оғир иқтисодий аҳволи 2000 йили Милошевичнинг ҳокимият тепасидан кетиши билан тугади. Собиқ Югославия бўйича Халқаро трибуналнинг босими остида Зоран Жинжич ҳукумати федерал марказдан сўраб ҳам ўтирмай, Милошевични Гаагага топширишга мажбур бўлди. У Хорватия ва Косоводаги уруш чоғида инсониятга қарши жинояткорона йўл туттишда, Босния уруши мобайнида эса қарбий жиноятлар ҳамда инсониятга қарши қирғинликлар ва геноцид содир этишда айбланди.

Аслида Халқаро Гаага трибуналы собиқ Югославиядаги қарбийларни судлаш учун тузилган. Бироқ, унинг мавжудлигини оқлайдиган бош сабабни фақат Слободан Милошевич бўлди. Трибунал рўйхатида қарбий жиноятларда айбланган юз нафарга яқин киши киритилди. Нимагадир уларнинг 95 фоизи серблардан иборат эди.

Суднинг бош прокурори Карла дель Понте хоним кўпгина шов-шувли жиноий ишларни очган бўлса-да, бироқ трибунал билан ҳамкорлик қилиш борасида фақат Сербияга босим кўрсатиб келмоқда. Қарбий жиноятларда айбланган хорват ва мусулмон генераллари ҳамда сиёсатчилари эса ҳамон озодликда юришибди. Маълумки, қонун олдида барча баробар бўлиши керак. Бироқ, амалда бунинг тескариси қилинапти. НАТОга мойил Косовонинг собиқ бош вазири Рамуш Харадинай геноцидда айбланган бўлса ҳам эркин ҳаракатланиш ва сиёсат билан шугулланиш ҳуқуқига эга. Аммо унинг ҳаммаси, Хорватия сербларининг собиқ раҳбари Милан Бабић 2003 йили ўз ихтиёри билан трибуналга тақдим бўлди. Афсуски, судда буни ҳисобга олишмади. Унга 13 йиллик қамоқ жазоси берилди. Утган ҳафтада Гаагадан унинг номалум ҳолатда ўлим топгани ҳақида хабарлар тарқалди. Бундан олдин ҳам бир неча айбланувчи ўз жонига қасд қилган ёки гайритабиий тарзда ҳаёт билан видолашган. Иши 4 йилдан бери чўзилиб келаётган Милошевич куни кеча ўз камерасида вафот этди. Буларнинг барчаси Гаага

## ҚОНУН ОЛДИДА БАРЧА БАРОБАР. БИРОҚ, АМАЛДА БУНИНГ ТЕСКАРИСИ БЎЛАЯПТИ. БОШ ПРОКУРОР ПОНТЕ ХОНИМ ТРИБУНАЛ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ БОРАСИДА ФАҚАТ СЕРБИЯГА БОСИМ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА

трибуналыга нисбатан ишонч йўқолиб бораётганини кўрсатиб турганини жаҳон оммавий ахборот воситалари бир овоздан таъкидламоқда.

Бунга бир неча сабаб бор. Биринчидан, у шошма-шошарлик билан, айрим йирик давлатларнинг хоҳиш-иродасига кўра тузилган. Россиялик қарбий эксперт Леонид Ивашовнинг фикрича, трибунал ҳақиқатан ҳам боши берк кўчага кириб қолган. «У ўзини гуманизм ғояларига зид институт сифатида намоён этди. Бир томондан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилса, иккинчи томондан, уни бўзмоқда. Бу ҳол унинг сиёсий жиҳатдан «ўлик» лигини англатади».

Иккинчидан, мажбурият трибуналнинг тузилишига нафақат собиқ Югославиядаги давлатларнинг барчаси, балки БМТ Бош Ассамблеясининг қатор аъзолари ҳам қарши чиқишган. Бироқ, Гаага «машина» си очикдан-очик қалбаки далиллар асосида ҳаракатга тушиб кетди. Масалан, Америка мутахассислари оммавий ахборот воситалари орқали Боснияда ўлим лагерлари мавжудлиги ҳақида хабарлар тарқатишган. Журналист Томас Дайхман бу ҳолатни ўтган асрнинг охириги ўн йиллигидаги «энг буюқ афсона» деб атади. Уша қаллоблик узок вақт мобайнида халқаро ҳамжамиятнинг Болқонда юз бераётган ҳодисаларга муносабатини белгилаб келди. Жамоатчилик онгига холокост, концлагерь ва нацизм фақат бир халқ — серблар томонидан уюштирилди, деган фикр куйилди.

Ўлимдан сиёсат ясаб балки яхши эмасдир. Бироқ, Наполеон айтганидек, сиёсат бу тақдирдир, тақдирдан эса қочиб қутулиб бўлмайди. Милошевичнинг тақдири эса Гаага судьяларининг виждонига ҳавола. Чунки, бутун бир мамлакатнинг қафолати остида доволаниш учун ўзини Россияга қўйиб юборишларини сўради. Лекин судьялар Европа одил судидан қочиб қутулиш осон эмаслигини айтишди. Буни қарангки, сиёсатчи барибир улардан қочиб қутулди. Унинг ўлими айбловчиларни ҳам маълум маънода масъулият ва юзи қоралиқдан қутқарди, дейиш мумкин. Чунки, 4 йилдан бери прокурорлар Милошевич айбини бўйинга қўйишолмаётган эди.

Тўғри, Слободан Милошевич бошқарув йиллари зиддиятларга бой бўлди. Фарбнинг тинимсиз босимлари туфайли қўшилмаслик ҳаракатининг ташаббускорларидан бири, Европада қудратли давлат ҳисобланган Югославия бир лаҳзада кунпая-кун бўлди. Милошевич бир қўли билан «Буюқ Сербия» учун курашаётган сербларга умид улашган бўлса, иккинчи қўли билан мағлубият битимини имзолалашга мажбур бўлди. Сербларнинг уч ярим йил давомида курашиб, эришган ғалабасини Дейтон тинчлик битими барбод қилди. 1998 йили уруш Сербиянинг ўзида, унинг мух-

торияти Косовода бошланди. Уша йилнинг кузига бориб, албан айри-майчиларининг қаршилиги тугатилгандек бўлди. Бироқ, Фарбнинг ҳаводан туриб бомба ёғдириши яна сербларнинг мағлубияти билан тугади. Милошевич Фарбнинг барча талабларига ён берди. Жанговарлик руҳини йўқотмаган армия Косоводан зудлик билан олиб чиқилди. Улар ортидан ўлкани юз минглаб серб қочқоқлари тарқ этди. Сербияда ҳали-ҳамон марҳум сиёсатчининг миллий ғояларнинг ҳимоячиси сифатида билганлар кўлаб топилди. Хозирча мамлакатда уни собиқ давлат раҳбарларига хос равишда тантана билан дафн этиш керакики ёки йўқми, деган тортишувлар бўлаяпти.

Айни пайтда собиқ давлат раҳбарининг ўлими юзасидан Россия ва Фарбий Европа мамлакатлари пойтахтларида турлича фикрлар янграмоқда.

— Собиқ президентнинг Гаага қамоқхонасидаги ўлими билан боғлиқ ҳолат жиддий текширилиши керак, — деди Россия Давлат Думасининг Халқаро ишлар бўйича кўмитаси раиси Константин Косочёв. Чунки, Милошевич ўлимидан бир кун олдин Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров номига йўллаган мактубида унга белгиланмаган дориларни беришаётгани, соғлиғидан хавотирдалигини ёзган. Милошевичнинг адвокатлари Зденко Томанович журналистларга олти бетли мактубни намоийиш этган. Унинг сўзларига қараганда, Милошевич 12 январь куни ўтказилган тиббий текширув чоғида қонидан сил касаллигини даволашда фойдаланиладиган кучли дори топилганини ёзган. Ваҳоланки, у юқорида айтилганидек, юрак касаллигидан азият чекиб келарди. Европа ва Сербиянинг ўзидаги расмий идоралар эса собиқ президентнинг ўлими ҳақида ҳеч қандай афсусланишсиз муносабат билдиришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Фарб Милошевичнинг ўлимини «Болқон одамхўри»нинг ўлими дейишдан нарига ўтмади. Бироқ шуни таъкидлаш кераки, қон тўкилишида фақат бир кишини айблаш инсофсизлик бўлур эди. Болқонда катта уруш чиқишида ўзларининг стратегия манфаатини кўзлаган Фарб давлатларининг қанчалар ҳиссаси борлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Айнан уларнинг қутқуси билан Югославия парчаланди. Косово албанлари исён кўтарди. Бугун ҳам Фарб ўзининг қўшандартлар сиёсатини давом эттирмоқда. Сербиянинг бир бўлаги ҳисобланмиш Косовога мустақиллик бериш истагида куйиб-ёнмоқда. Ўлкада инсон ҳуқуқлари бузилаётганига, серблар хайдаб чиқарилаётгани, уйлари ва православ черковларига ўт қўйилаётганига бефарқ қараб турибди.

РОССИЯ

Март ойининг охирида Владимир Путин Хитойда Россия йилини очиши ва ХХР раиси Ху Цзиньтао билан музокаралар олиб бориши керак. Аввал хабар берилганидек, кейинги — 2007 йил Россияда «Хитой йили» деб эълон қилинади.

## Муносабатлар мустаҳкамланади

Февраль ойида журналлар билан ўтказган матбуот анжуманида Россия президенти шундай деган эди:

— Россия - Хитой муносабатлари дунёда стратегик барқарорлиқни мустаҳкамлашда жуда муҳим омили ҳисобланади. Биз ўзаро муносабатларимизда жуда мураккаб ҳисобланган чегара масаласини ҳал қилишга эришдик. Биз бу масалага иккала томон учун ҳам маъқул бўладиган ечимни қирқ йилдан буён излаб келардик.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар алмашинуви 29 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, Путин 2010 йилгача бу кўрсаткични 60 млрд. доллар етказиш вазифаси қўйилганини ва буни амалга ошириш мумкинлигини таъкидлаб ўтган.



ИРОҚ

## Ироқ — Бушнинг мағлубияти

АҚШда обрўли сенаторлардан бири демократ Жозеф Байден, агар Ироқдаги вазият ўнганмайдиган бўлса, америкалик қарбийлар ушбу мамлакатни тарқ этишлари керак, дея баёнот берди. У Ироқдаги вазиятни Жорж Буш маъмурияти сиёсатининг мутлақо мағлубияти, деб атади.



Конгресс Яқин Шарқдаги вазият ҳақида ҳисобот талаб қилганида, Пентагон фақат қурбон бўлган минглаб америкалик аскарлар сонидан бошқа маълумот беролмаган. Маълумотларга кўра, ўтган вақт мобайнида Ироқда 2125 америкалик ҳалок бўлган.

NBC телеканалига берган интервьюсида сенатор-демократ Байден Ироқдаги маҳаллий ҳокимият дарҳол ўзаро курашаётган томонларни бирлаштирувчи конституция қабул қилиши кераклигини уқтирган. Чунки Ироқда тинчлик бўлишидан, аввало, ироқликлар манфаатдордир.

Жорж Бушнинг ҳам, республикачилар партиясининг ҳам обрўсизланиб бориши оқибатида маъмурият Ироқдан қўшинларни олиб чиқиш режаси ҳақида ўйлаб кўрса, ажаб эмас.

АҚШ

«Форбс» журнали дунёдаги энг бой инсонлар рўйхатини эълон қилди. Умумий бойлиги АҚШ валютасида бир миллиард доллардан ортадиган инсонлар сони ўтган йилда қарийб 800 нафарга етган. Журналнинг ёзишича, бир йил мобайнида миллиардерлар сони 15 фоиз кўпайган. Энг кўп миллиардерлар Ҳиндистонда яшаётган экан.


## Миллиардерлар кўпаймоқда

■ **Дилфуза МУҲАМЕДОВА**

«Microsoft» корпорацияси асосчиси Билл Гейтс 15 йилдан буён дунёнинг энг бадавлат одами бўлиб қолмоқда. Унинг бойлиги 50 миллиард АҚШ долларида баҳоланмоқда.

Журнал маълумотларига кўра, МДХ мамлакатларида 50 га яқин миллиардер бор.

«Форбс» журнали рўйхати ҳар йили ҳисҳақонларга бой баҳсларга сабаб бўлади. Бу рўйхатга киритилганларнинг айримлари ўз бойликлари камайтириб кўрсатилган, деб норози бўлсалар, айримлари ошириб юборилганидан нолишади.



ХОЛИС ФИКР

ТАФСИЛОТЛАР

ВОКЕАЛАР,

ХАБАРЛАР,

УКРАИНА

## Сайлов учун 10 млрд. доллар

Ҳадемай, Украинада ўтказиладиган парламент сайловлари мамлакат тарихидаги энг қиммати бўладиган кўринади. Мутахассислар сайловолди кампаниясига сарфланадиган маблағ миқдори иккита «Криворожстал» корхонаси — 10 млрд. АҚШ доллари ёки мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг етти фоизига тенг бўлишини ҳисоблаб чиқдилар. Ушбу сонларни «ИнвестГазета» тадқиқотчилар лойиҳаси маълумотларига таяниб келтирган.

■ **Улугбек АДАМБАЕВ**

Кузатувчиларнинг фикрича, Украина сайловларининг қимматлиги бир неча омилга боғлиқ. Мамлакатда сайловлар илк бора мутаносиблик тизими асо-

сида олиб борилади. Бу эса, аввалига мажоритар округларда осонликча ғалабага эришиб келган маҳаллий етакчилар ва тадбиркорларни бу сафар дадил ва



фаол иштирок этишга мажбур қилаяпти. Бундан ташқари, аввалгидан фарқли ўлароқ, «Кучма мактаби»га мансуб сиёсатчи ва тадбиркорлар учун сайловларда ғалаба қозониш ниятда муҳим эканлигини вақт кўрсатиб қўйди. Қирқдан ортқ сиёсий партия ва

блок вакилларининг парламент ўринларига даъвогарлик қилаётгани ҳам кураш жуда кизгин кечичидан далолат бермоқда.

Баъзилар бундай катта маблагнинг ишлатилиши жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан хавотирда.

РАҚОБАТ

**БОКС**

## «Оқ Тайсон» «Овчи»га йўл бермади

Руслан Чагаев ва украиналик Владимир Вирчис ўртасида бўлиб ўтган жангда ҳамюртимиз кўли баланд келди

11 март куни Германиянинг Гамбург шаҳридаги Color Line Arena спорт мажмуасида бўлиб ўтган бокс кечаси профессионал фаолияти давомида ҳали энгилмаган спортчимиз учун яна омадли якунланди.

■ Шухрат Хўжаев



Гарчи, ватандошимиз жангдан аввал берган интервьюларининг бирида, албатта, галаба қозонишни ва хатто рақибни муддатидан олдин сафдан чиқариши мумкинлигини таъкидлаган бўлса-да, деярли тенг курашлар остида кечган бахс роппа-роса ўн икки раунд давом этди.

Айтиб ўтиш жоиз, ҳар икки боксчи учрашув давомида таваккал қилмасдан, «ёпик» жанглиб боришга, кўпроқ ҳужум билан эмас, балки ўзига хос услублардан ва рақиб хатоларидан фойдаланган ҳолда галабага эришишга интилди. Шунинг учун бўлса керак, бахс ниҳоятда, барчанинг нигоҳи ҳакамларга қаратилди. Одиллик тарафдорларининг икки нафари жанг Руслан фойдасига туганиши маълум қилган бўлса (115-114 ва 116-112), учинчиси дурангни қайд этди (114-114).

Шундай қилиб, энг оғир вазни боксчимиз Р.Чагаевнинг сабъ-ҳаракати билан В.Вирчисга тегишли кўрсаткичларнинг мағлубиятлар устунида бир рақами ёзилди. Зеро, «Овчи» лақабини олган 33 яшар украиналик чарм кўлқоп устаси мазкур учрашувга чармнинг барчасида галаба қозонган, шу жумладан, 17 марта рақибларини нокаут ҳолатига туширган эди.

27 яшар Русланинг кўрсаткичларига тўхталиб, шу

куни 20-галабасини нишонлаган вақилимиз 16 та жангни муддатидан аввал якунлаганини ва бор-йўғи бир марта дуранг натижани қайд этганини айтиб ўтиш мумкин.

Этиборли томони шундаки, Universum Box Promotions промоутерлик компанияси мутасаддилари Вирчис устидан қозонилган галабадан сўнг бир-данда икки йўналиш (WBO ва WBA) бўйича «Кўчалараро чемпион» деган номга сазовор бўлган Руслан Чагаевнинг жаҳон чемпионлиги учун ўткази-

ладиган жангда иштирок этиш имконияти анча ортганини таъкидлашди.

Умид қиламизки, жанг олиб боришда америкалик машҳур боксчида андоза олгани боис, хорижда «Оқ Тайсон» номи билан танилган ва айни пайтда собиқ боксчи, ўзбек спортининг фахри — Артур Григорян мураббийлиги остида машғул лотлар олиб бораётган Чагаев яқин келажакда энг нуфузли вазн тоифасида чемпионликини қўлга киритиб, ўз мухлислари ишончини оқлайди.

**БИЗНЕС-БАШОРАТ**

**Қўй.** Репетиторга борасизми, мустақил равишда шуғулланасизми, хуллас, билимингиз доирасини кенгайтириш учун озгина ҳаракат қилсангиз бас, яқин кунларда нурли келажак эшикларини сиз учун ланг очилиши мумкин. Олдиндан ўйлаб қўйган режаларга қатъий риоя қилганингиз боис, шахсий бизнесингизда ижобий ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда.

**Бузоқ.** Хафтанинг дастлабки икки кунда маънавий ҳордиқ чиқаришга эришасиз. Савдо-сотик, тадбиркорлик, тарғибот ва таъшиқот билан шуғулланувчи «бузоқ»лар эса иш жойларида бир неча тўсиқларни энгиб ўтиш учун айёрликдан фойдаланишга мажбур бўладилар.

**Эгизаклар.** Сешанба куни товуғингиз олтин тухум босиб ётганини кўрсангиз, ажабланманг, омад кўши айнан сизнинг атрофингизда парвона бўлади. Хафта сўнггида эса тўй ёхуд туғилган кунга ўхшаш тадбирлар учун катта харажатлар қилишингиз кутилмоқда.

**Қисқичбақа.** Янги гоёларни илгари суриш, дилдаги гапларни изҳор этиш ҳамда ижодий парвозларни амалга ошириш учун қулай хафта. Мухими — ҳеч нарсадан қўрқманг. Зеро, қатъиятингизни кўрган рақибларингиз ўзлари сизга қулай имконият яратиб берганларини билмай қоладилар.

**Арслон.** Яқин қариндошларингиз билан мавжуд ўзаро муаммоларни бартараф этиб, молиявий аҳволингизни яхшилаб олишга эришасиз. Байрам баҳона ота-онанинг ёки анчадан буён кўришмаган дўстларингиздан хабар олсангиз, фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Паризод.** Келаятган хафтада ишга муносабатингизни биров ўзгартириб, оилапарвар ота ёки она эканингизни намойиш этишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун оилавий саёҳатлар уюштиришингиз, фарзандларингизни ўзлари қизиққан соҳа тўғрисидаги аъзо қилдиришингиз мумкин.

**Тарози.** Иш жойингизда кўплаб ноқулайликлар вужудга келиши кутилмоқда. Этиборли томони шундаки, уларни бартараф этиш учун раҳбариятнинг айрим вақиларига билан салкам даҳанаки жанг олиб боришингизга тўғри келади. Яқинда куни, гарчи Сизга тегишли бўлмаса-да, ниҳоятда ноҳуш янгилик кўнглингизни хира қилиши мумкин.

**Чаён.** «Ишончли» ходимларингиздан бири Сизни ҳув тушириш пайида юрганини сезган бўлсангиз-да, хатосини тўзатиш учун унга сездирай имконияти беринг. Кейин вазиятга қараб иш тuting. Кийим-кечак харид қилмоқчи бўлсангиз, бозорга, албатта, бирорта шерик билан тушинг.

**Ўқотар.** Келгуси хафтада «ўқотар»лар томонидан отилган ўқларнинг барчаси нишонга аниқ тегиши кутилмоқда. Бу гап, айниқса, ижод ва спорт билан шуғулланувчи ҳамда табибиёт соҳасида ишлайдиган бурж вақилларига тааллуқлидир. Пайшанба куниндаги сафарингиз ижобий якунланади.

**Тоғ эчкиси.** Курилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган жойлардан узокроқ юриб, ишхонадаги эскирган асбоб-ускуналардан эҳтиёткорлик билан фойдаланишга ҳаракат қилинг. Шанба куни кўнглингизни шод этадиган хушxabар эшитишингиз кутилмоқда.

**Ковға.** Юлдузлар кейинги пайтларда ишга шўнғиб кетиб, дам нималигини билмай қўйган «ковға»ларга бир-икки кун оила даврасида ҳордиқ чиқаришни маслаҳат бермоқда. Қизиғи — уйдабурон бурж вақиллари фурсатдан фойдаланиб, ана шу дам олиш кўнлари оилавий бизнесни йўлга қўйиб, яхшигина даромад кўришлари мумкин.

**Балиқ.** Душанбада гараж ниятли кишилар кайфиятингизни бузишга ҳаракат қилишди. Аммо асабларингиз ниҳоятда мустаҳкамлиги боис, улар ўз максалларига эриша олмайдилар. Хафтанинг қолган кунларида кўн урган ишларингизнинг барчаси барборидан келади. Дам олиш кўнларини ажайиб давраларда ўтказасиз.

**ФУТБОЛ**

## «Ардус» — қитъанинг вице-чемпиони

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати ғолиби — «Ардус» жамоаси Осиё чемпионлари кубоги баҳсларида муваффақиятли иштирок этди

7-12 март кунлари Эрон пойтахти — Техрон шаҳрида Клублараро Осиё чемпионати, бошқача қилиб айтганда, қитъа чемпионлари кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Тажрибали мураббийлар — Семён Могилевский ва Азамат Абдураимов кўл остида тўп сурган вақиларимиз Қирғизистоннинг «Энергобанк», Таиланднинг «Кэт Телеком» ва Япониянинг «Шарк» жамоаларини оро йўлда қолдирсалар-да, ҳал қилувчи финал баҳсида мезбон — «Шенса» клубига имкониятни бой беришди. Натижада кумуш медаль соҳибига айланган «Ардус» футболчилари мусобақа шартига кўра, уйга 10 минг АҚШ доллари билан қайтарилган бўлдилар.



**ЭРКИН КУРАШ**

Юнусобод даҳасидаги мухташам «Ўзбекистон» спорт мажмуасида эркин кураш бўйича Гран-при туркумига кирувчи Golden Grand Prix мусобақаларининг иккинчи босқичи — «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» турнири ўтказилди.

## Артур яна ғолиб

Мезбонлар турли даражадаги жами тўртта медални қўлга киритдилар. Жумладан, 55 кг. вазни Артур Очиллов ва 84 кг. вазни Абдулла Аммаевга бронза медални насиб этган бўлса, энг энгил вазн тоифасида курашган Дилшод Мансуров «кумуш»га илдинди. Яқинда Украинада бўлиб ўтган халқаро мусобақадан «олтин» билан қайтган юртдошимиз Артур Таймазов эса анъанани бузмади ва Тошкентда ўтказилган мазкур мусобақада 120 кг. гача вазнда кураш олиб борган полвонлар орасида тенгсиз эканини исботлади. Бошқа вазн тоифаларида шоҳсупанинг юқори погонасини америкалик (55 ва 84 кг.), россиялик (60, 66 ва 96 кг.) ва грузиялик (74 кг.) спортчилар эгаллашди.

Акциядорлик-тижорат

# «Пахта банк»

## ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини қалбларимизга меҳр нури, баҳор нафаси, бетакрор гўзаллик олиб кирувчи Наврўзи олам билан табриклайди.

Мустақил юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча касб эгаларига туганмас куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Ҳар доим хонадонимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин!

**Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari» агентлиги — яқин бизнес ҳамкорингиз!**

Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг худудий филиаллари ҳамда «Kim oshdi savdolari» агентлиги Сизнинг турли кўчмас мулклар, МҶЗ лардаги давлат улушлари, уй-жой кураш, савдо ва маънавий хизмат объектлари кураш учун ер майдонларини сотиб олишда яқин ҳамкорингиздир.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Умаров кўчаси, 1-А уй.

Телефонлар: 133-13-28, 399-80-26, 133-20-74, 133-20-26, 133-20-26

www.kmb.uz

Моя мечта

FEBP Otin medali Geneva 2005

«TOSHKENT YOG-MOYKOMBINATI» OAJQK

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**

**КЕНГАШ РАИСИ**  
Муҳаммадсуф Тешабоев

**КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ**

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ  
Адхам ШАДМАНОВ  
Ақром АЛИМОВ  
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ  
Муҳаммадилхом ЙУЛДОШЕВ  
Аъзамжон РАҲМАНОВ  
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ  
Бахтиёр ЁҚУБОВ  
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ  
Илхом НАСРИЕВ  
Мансур ЗОКИРОВ  
Мухлиса АКРАМОВА  
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ  
Равшан ОХУНОВ  
Раҳматилло КАМОЛОВ  
Раҳмон ҚУЧҚОР  
Суннатилла УМАРОВ  
Сирожидин САЙИД  
Шухрат НОРИТОВ  
Шухрат ОРИПОВ  
Қиёмиддин НАЗАРОВ  
Қобилжон ТОШМАТОВ  
Туланбой КАРИМОВ  
Эркин ТОШЕВ

**ТАҲРИРИЯТ**

Абдували СОИБНАЗАРОВ  
Маркс ЮСҲУПОВ  
Зумрад АБРОРОВА  
Носир ТОШЕВ  
Ориф УЛМАСОВ  
Тоҳир МАЛИК  
Темур АБДУРАҲМОНОВ  
Тоҳир МИРҲОДИЕВ  
Улугбек ЮСУПОВ  
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА  
Молмумин  
МАМАТРАЙИМОВ  
Шаҳзод НАЗАРОВ  
Шухрат ОХУНЖОНОВ

**МАТН ТЕРУВЧИЛАР**

Нигора ЖҲРАЕВА  
Замира АҲМЕДОВА

**БЎЛИМЛАР**

ПАРТИЯ ТУРМУШИ  
55-45-08

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК  
ФАОЛИЯТИ  
55-43-57

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА  
ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ  
132-25-15

АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ  
55-70-16

МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА  
САҲЪАТ  
55-68-50

ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР  
ВА ТАҲЛИЛ  
55-70-16

Навбатчилар:  
**Н. ТОШЕВ,  
Ш. ПАРПИЕВ.**

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41.  
**Буюртма рақами: Г-567**  
**Тираж: 17268**

PR - тижорат белгиси

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» - иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:**  
axborot21asr@yahoo.com  
XXI\_ASR@yahoo.com  
XXI\_ASR@doda.uz

«XXI ASR» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ:**  
406

**БОШ МУҲАРРИР**  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

**ASR**

**БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ**

«ASR»

**ЕКСПРЕСС-MEDIA**

НОШИРЛИК УЙИ  
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

**Mila PRESS**

РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ  
Тел: (998-71) 151-29-52.  
E-mail: milapress@yahoo.com